ШИРКАТДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

Ширкатлар... лаёқатсиз қурилиш фирмалари билан таъмирлаш ишлари бўйича шартномалар тузган. Оқибатда таъмирлаш-қурилиш ишларига ортиқча харажатлар қилинган, айрим ҳолларда бажарилган таъмирлаш ишларига қўшиб ёзилиб, маблағлар ўзлаштирилган.

4-бет

АКЦИЯДОРЛАР НЕГА НОРОЗИ?

...ишчи ва акциядорларнинг талаби битта: ойлик ва акциямизнинг дивидендини ўз вақтида берсин дейди. Ҳақли талаб. Ишлаган одам ойлигини талаб қилишга ҳақли. Акциядор эса дивидендини.

5-бет

ҚАТЪИЙ ТАЛАБЛАР, АНИҚ ВАЗИФАЛАР

Деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил қилиш,.. масалаларини ҳал этишда жойлардаги раҳбарлар томонидан йўл қўйилаётган очиқдан-очиқ зўравонлик, тўрачиликларга кўпчилик ҳолларда принципиал ҳуқуқий баҳо берилмаяпти.

6-бет

МУДҲИШ ХОТИРАЛАР

Аммо ҳақиқий фожеалар энди бошланаётган эди. Ўгай отанинг тиригида эсламаган, кўчаларда ичиб юмалаб юрган кунларида, шу оилага келиб қўним топган пайтларида йўқламаган, ўлганида ҳам номига икки-уч кун мотам тутган опаси билан синглиси даъвогар чиқиб қолди.

7-бет

Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

19 (334)

Май

D.	31	3	10	17	24
S.		4	11	18	25
Ch.		5	12	19	26
P.		6	13	20	27
J.		7	14	21	28
Sh.	1	8	15	22	29
Y.	2	9	16	23	30

2004

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

REPORTAJ

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ

Халқимизда «Қариси бор уйнинг париси бор» деган нақл бор. Бу мақол шарқона урф-одатларни ўзида тўла мужассам қилиб, ўзбек заминида яшаб келаётган ҳар бир инсоннинг қон-қонига сингиб кетган.

Кексалар ҳурматини жойига қўйиш, эъзозлаш, уларнинг дуоси билан иш бошлаш бизга улуғларимиздан мерос бўлиб қолган, дейишга тўла ҳақлимиз. Ўз отаонаси, устози ҳурматини бажо айлаган ҳар бир инсон Ватанини жон дилидан севади, унинг равнақи ва келажаги ҳақида қайғуради. Ҳаёт сўқмоқларини мардона босиб ўтган, тинчлик учун жанг қилиб, халқи тинч ва фаровон яшаши учун сидқидилдан меҳнат қилган фахрийларимиз билан суҳбатлашиш, ибратли маслаҳатларидан баҳраманд бўлиш яна ҳам тароватлидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда қарийб 40 минг уруш фахрийси умргузаронлик қилмоқда. Бутун умр яхшиликка интилиб, билим ва маҳоратини, тажрибасини ишга солиб ҳалол меҳнат қилганлар эл-юрт ичра ҳамиша эъзозда бўлиб келишган. Уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш муқаддас вазифамизга айланган.

Республика прокуратура органларида хизмат қилган кўплаб уруш ва меҳнат фахрийлари ҳам доимо ҳурмат ва эътиборни ҳис қилиб туришибди. 7 май куни мамлакатимиз пойтахти Тошкентда Республика Бош прокуратураси ташаббуси билан ҳозирда қарилик гаштини сураётган прокуратура фахрийларининг учрашуви бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

RESPUBLIKA BOSH PROKURATURASIDA

ФЕДЕРАЛ ТЕРГОВ БЮРОСИ ВАКИЛИ БИЛАН УЧРАШУВ

2004 йил 6 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Ҳ.Неъматов АҚШ Федерал тергов бюросининг Ўрта Осиё бўйича ҳудудий вакили Жефри Иверсонни қабул қилди.

Мулоқотда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари Женифер Робинсон, Сара Лам ҳамда Республика Бош прокуратурасининг масъул ходимлари А.Муҳаммедов, Б.Охуновлар иштирок этишди.

Учрашувда терроризм ва халқаро уюшган жиноятчиликка қарши курашда ўзаро тажриба ва маълумот алмашиш масалалари кўриб чиқилди.

Республика Бош прокурорининг ўринбосари Ҳ.Неъматов АҚШ ва Ўзбекистон терроризм ва халқаро уюшган жиноятчиликка қарши курашда стратегик ҳамкор эканлигини, ҳозирда ушбу ҳамкорлик янада кенгаётганини таъкидлади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари 1999 йили Тошкент шаҳрида ҳамда 2004 йилнинг март ойида Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларида содир этилган қўпорувчилик ҳаракатларига доир жиноят ишлари юзасидан олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида ушбу жиноятларни содир этган шахсларнинг халқаро террористик ташкилотлар билан яқин алоқада бўлганликлари аниқланганлиги сабабли АҚШ ва Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари мунтазам равишда ахборот алмашиши лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Жефри Иверсон Ўзбекистонда содир этилган қўпорувчилик ҳаракатлари юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари бўйича берилган маълумотлардан қониқиш ҳосил қилиб, ҳар иккала давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтиришни ва Федерал тергов бюроси ушбу жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатларини олиб боришда тегишли экспертиза ўтказиш ва ахборот олиш ҳамда техник ёрдам беришга тайёр эканлигини таъкидлаб ўтди.

Суратларда: Учрашувдан лавҳалар.
А.ТЎРАЕВ олган суратлар.

А.МУҲАММЕДОВ,
Республика Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи

Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз. Энг муҳими, бу ҳаяжонли ва изтиробли сана ўрнимизга келадиган ёш авлодни мана шу руҳда тарбиялашга, улар қалбида Ватан ва юрт учун ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилади.

Ислом КАРИМОВ

NOMERGA SHOSHILINCHNOMA

ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДАМИЗ

Яқинда Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Республика прокуратураси тизимидаги уруш ва меҳнат фахрийлари сафида Тошкент шаҳрига таклиф этилдик. Пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини кўриб, шаҳар қисқа вақт ичида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганлигининг гувоҳи бўлдик. Бизда айниқса, Хотира майдони ва қатағон қурбонлари хотирасига атаб қурилган мажмуа катта таассурот қолдирди. Шунингдек, тарихимизни ўрганишда Республика Бош прокуратураси музейининг ҳам аҳамияти катта эканлигини ҳис қилдик.

Биз навоийлик фахрийлар вилоят ва туман прокуратураларига борганимизда ёш ходимлар мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлида самарали меҳнат қилаётганига гувоҳ бўламиз. Бундан ташқари, вилоятимизда меҳнат қилаётган чўпон-чўлиқларга, тадбиркор ва деҳқонларга уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари республикамиз қонунлари билан кафолатланганлигини тушунтирамиз. Мактаб, коллеж ва лицейларда учрашувлар ўтказиб, ўқувчиларга Конституциямиз ва бошқа қонунларимизнинг моҳияти ҳақида гапириб берамиз.

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан биз фахрийларга дастурхон ёзилиб, совға-салом улашилганлиги, прокуратуранинг бир қатор тезкор ходимлари Бош прокурор буйруғи билан тақдирланганлиги кайфиятимизни янада кўтарди.

Биз прокуратура фахрийлари ҳар доим Бош прокуратура жамоасининг ғамхўрлигини ҳис этиб турамиз. Прокуратура ходимлари байрамларда бизни йўқлаб боришади, ҳар йили «Huquq» газетаси ва «Qonun himoyasida» журналига бепул обуна қилишади. Бунинг учун Бош прокуратура раҳбариятидан, прокуратура фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш кенгашидан беҳад миннатдормиз.

Навоий вилоят прокуратураси фахрийлари номидан

Саъдулла НАМОЗОВ,
Зайниддин САЙФИДДИНОВ

TADBIR

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказида шу йилнинг 10 май куни ҳуқуқий мавзуда қалам тебратувчи журналистлар учун «Оммавий ахборот воситаларида суд-ҳуқуқ ислоҳотларини ёритиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳамкорлик муносабатларини яхшилаш истиқболлари» мавзуида ўқув машғулотлари бошланди.

Машғулотларга мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган етакчи оммавий ахборот воситаларининг ходимлари, ҳуқуқшунос-журналистлар таклиф этилган. Ўқув машғулотларида ҳуқуқшунос олимлар, сиёсатшунослар, таниқли журналистлар аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни ОАВда ёритиш ҳамда бу борада ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорлик самаралари мавзуидаги маърузалари билан иштирок этадилар.

Ўқув машғулотлари 14 майгача давом этади.

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

7 май эрталаб соат 8.30.

Фахрийлар ўтирган автобуслар Республика Бош прокуратурасининг спорт соғломлаштириш мажмуи олдида тўхтади. Автобуслардан соҳада узоқ йиллар ишлаган фахрийлар тушиб кела бошладилар. Республика Бош прокуратураси фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази раиси Ботир Калонов ва Республика Бош прокуратураси касаба уюшмаси раҳбари Абдурашид Маннонов юртимизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган фахрийларни спорт мажмуига таклиф этдилар. Замонавий услубда қад ростлаган мазкур мажмуа Марказий маҳкамада хизмат қилаётган ходимларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишларига кўмак берувчи ўзига хос иншоотлардан биридир. Бу ерда спортнинг бир неча тури билан машғулот ўташ учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Шундан сўнг меҳмонлар Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси музейи билан танишишни бошладилар. Республикамиз мустақиллигининг 11 йиллиги байрами арафасида ташкил этилган музей 4 залдан иборат бўлиб, Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик, ҳуқуқ тарихи ва бугуни ҳақида батафсил маълумот беради. Тарихимизнинг улкан даврини қамраб олган музейнинг баъзи экспонатларини аксарият бошқа музейларда учратмайсиз. Ўқув маркази илмий ходими Нилуфар Мирахмедова фахрийларга музейни ташкил этишдан тортиб, бу ердаги ҳар бир экспонатнинг аҳамияти ҳақида гапириб берди. Андижонлик Тоҳиржон Саидаҳмедовнинг ширин хаёлини сафдошларининг гурунги бузди. Фурсатдан фойдаланиб биз у кишини суҳбатга тортдик:

— Музейдаги барча жиҳозлар дид ила жойлашганлиги билан ажралиб турибди. Мана қаранг, биринчи ишни бошлаганимиздаги фотокамералар, ёзув машинкалари. Тизимда қарийб 40 йил меҳнат қилдим. Бундай жиҳозларни ишлатиш ўша вақтларда прокуратура ходимларига анча қийинчилик туғдирарди. Лекин нима ҳам қилардик. Замон шундай эди. Бугун билан кечанинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

— Очиғи, шундай музей ташкил этилганини эшитган эдим-у, лекин унинг бу қадар бой эканлигини ўйламаган эканман, — дейди самарқандлик Абдуқодир Каримбердиев. Тарих билан ҳозирги замон уйғунлиги мени лол қолдирди. Ташкилотчилар омон бўлсин!

— Ие, менинг суратим-ку, — сафдошлари эътиборини ўзига қаратган бу фахрий Қашқадарё вилоят прокуратурасида узоқ йиллар меҳнат қилган Олим Худойқулов эди. — «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвонини олган пайтимдаги сурат экан. Менда бу суратдан йўқ эди.

Суратқашни секингина имлаб чақирган отахон, шу расмдан нусха кўчириб беришини илтимос қилди.

Шундан сўнг фахрийлар астасекин иккинчи қаватдаги марказнинг ўқув залига тўпланишди. Марказ директори Эркин Абзалов фахрийларга унинг фаолияти, прокурор-тергов ходимлари малакасини оширишдаги ўрни ҳақида сўзлаб берди. Марказда узоқ йиллар ишлаб, ҳозирда қарилик гаштини сураётган фахрийлар Абдулла Давлетов ва Рустам Муҳаммедов мустақилликдан сўнг марказ фаолиятини ривожлантириш, ўқув базасини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирдилар. Шу ерда меҳмонлар марказнинг «Фахрий меҳмонлар китоби»га ўз дастхатларини ёзиб қолдирдилар.

Соат миллари 11.00 га яқинлашгач, фахрийлар Бош прокуратуранинг мажлислар залига таклиф этилди. Тадбирнинг қутлаш қисмини Республика Бош прокурори Р.Қодиров кириш сўзи билан очди. Сўз прокуратура органлари фахрийларини қўллаб-қувватлаш раиси Ботир Калоновга берилди.

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгач «Ҳотира ва қадрлаш куни» ҳам янги мазмун билан бойиди. Унинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Зеро, хотира ва қадрлаш миллий ўзлигимиз, урф-одатимиз, тарих ва маънавиятимиз билан боғлиқ тушунчалардир, — деди нотиқ.

Тадбирда меҳмонларни Ўзбекистон Фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси Эркин Боқибоев ҳам қутлади.

Шундан сўнг, Республика Бош прокурори Рашид Қодиров сўзга чиқиб мамлакатимиз ҳукумати томонидан кексаларга кўрсатилаётган эътиборнинг амалий натижаси сифатида ўтаётган бу тадбир фахрийларни бундан кейин ҳам эътиборда ва эъзозда эканлигини намоён этишини, уларнинг ўгитлари ёшларимиз учун катта мактаб бўлишини таъкидлади.

Йиғилиш сўнгида прокуратура органлари фахрийлари, II жаҳон ва афғон уруши қатнашчиларига совғалар топширилди. Эсдалик учун тушилган сурат йиғилишнинг расмий қисмига якун ясади.

Тушликдан сўнг фахрийлар ўтирган автобус пойтахтимиз марказидаги Хотира хиёбони томон йўл олди.

Йўл-йўлакай автобусда фахрийларнинг дастлабки таассуротлари билан ўртоқлашиш мақсадида суҳбатга тортамиз.

— Мен Зайниддин Сайфутдинов бўламан. Узоқ йиллар прокуратура соҳасида меҳнат қилдим. Илгариги вақтларни хотирамдан ўтказиб, қанчалик оғир шароитда ишлаганлигимизга, бугунги шароитни кўриб гувоҳ бўлаяпман. Спорт мажмуаси, прокуратурадаги шинам хоналарни кўриб ҳавасим келди. Қани энди ёш бўлсам-у, яна шу соҳада халқимга хизмат қилсам.

Суҳбатга Светлана Истомина ҳам қўшилди:

— Энг яхши хотираларим прокуратурада ишлаган пайтларим. У ерда орттирган ҳамкасбларимдир. Бизни яна учраштирган, ҳурмат ва эътибор кўрсатган ташкилотчиларга ташаккур айтамиз.

Хотира майдони. Бош прокуратура раҳбарияти ва фахрийлари номидан мотамсаро она ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйилиб, ўтганлар хотираси ёдга олинди. Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан қад ростлаган мазкур мажмуа нафақат юртдошларимизнинг, балки хорижлик меҳмонларнинг ҳам табаррук қадамжоларига айланган. Фахрийлар Иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида ҳалок бўлган юртдошларимиз номлари зикр этилган «темир дафтар» саҳифаларини кўздан кечирдилар.

Ҳозирда Марғилон шаҳрида истиқомат қилаётган Умаржон Йўлдошев Иккинчи жаҳон урушининг бевосита иштирокчиси. Украина фронтида жангга кириб, икки бор яраланган Умаржон ака урушдан кейинги фаолиятини прокуратура билан боғлади. Жиноятчиликка ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, унинг олдини олиш борасида катта тажриба орттирди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист» У. Йўлдошев II жаҳон урушида ҳалок бўлган қуролдошларини оғир тин олиб эслади.

Шу ерда жиззахлик Қизил Муҳаммадиев прокуратура ташаббуси билан бошланган савоб ишнинг таассуротлари бир умр хотирасида муҳрланишини илиқ сўзлар билан гапирди.

Кўп йиллар кўришолмай юрган фахрийлар байрам баҳона дўсту биродарлар билан суратга тушиб боришни ҳам унутмадилар.

«Сайёҳатни давом эттирамиз», деган чақириқ фахрийларни яна автобусга тўплади. Меҳмонларга Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини таништириб, улар ҳақида маълумот бериб кетаётган экскурсия ходимлари савоб ишнинг давомчилари, ёшларимизнинг ватанпарвар ишларини давом эттирувчилар эканлигини, Ватанимизнинг ҳаётбахш

QARORVA IJRO

Суҳбат мавзуси иш ҳақига келиб тақалганда айримлар ишхонаси ойлаб маош бермаётганидан нолиб қолади. Баъзилар бунинг учун раҳбарини ишнинг кўзини билмасликда айбласа, айримлар банк ходимларидан ойлик қидиради. Хуллас, бу муаммонинг борлиги ҳақиқат. Лекин, нима бўлганда ҳам умид билан ишлаётган ходим иш ҳақини ўз вақтида олиши керак. Афсуски, айрим раҳбарларнинг ўз вазифаларига лоқайдлиги туфайли кўл остидаги ходимлари маошини вақтида олишмаяпти. Бу эса ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Айрим юртдошларимиз маошини ўз вақтида олмаганлиги туфайли 20-30 йилдан буён ишлаб келган қадрдон ташкилоти билан хайрлашиб, тирикчилик дардида бошқа ишнинг этагини тутмоқдалар.

МАОШИНГИЗНИ ВАҚТИДА ОЛАЯПСИЗМИ?

Фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органлари кўплаб ижобий ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талабларининг ижроси бўйича қатор текширишлар ўтказилди.

Марказий банк маълумотларига кўра, республикадаги мониторингга олинган 14 та вазирлик ва уюшма тизимларида 2004 йилнинг 1 апрел ҳолатига ***иш ҳақидан умумий қарздорлик 41,3 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, ушбу қарздорлик 2004 йилнинг 1 январига нисбатан 4,2 млрд. сўмга камайган.***

Шунга қарамасдан, қарздорлик ***Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида 1,1 млрд., Тошкент вилоятида 700 млн., Самарқандда 261,1 млн., Қорақалпоғистонда 544,5 млн., Наманган вилоятида 435,5 млн. ва Фарғона вилоятида 68,4 млн. сўмга кўпайган.***

Прокуратура органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирларида асосий эътибор хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг иш ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ тўланишининг қонунда белгиланган тартибига риоя қилинишига қаратилиб, муддати ўтказиб юборилган иш ҳақидан қарздорликка йўл қўйган айбдор мансабдор шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўрилмоқда. Биргина, ***2004 йилнинг март ойида*** ушбу масалада аниқланган кўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан ***9 та жиноят иши қўзғатилган ва ишчи-хизматчиларга 1,2 млрд. сўмлик иш ҳақларининг тўланиши таъминланган.***

Бир қатор ҳолатларда ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи учун ажратилган маблағлар айрим мансабдор шахсларнинг «ташаббуси» билан бошқа мақсадларга ишлатилиб, талон-тарож қилинган. Масалан, Навоий шаҳридаги ***«Саховат» акциядорлик жамиятининг раҳбарлари томонидан ходимларнинг тўлов қоғозидаги имзолари қалбакилаштирилиб, 4,5 млн. сўмлик иш ҳақлари ўзлаштирилган.***

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айрим ташкилотларнинг раҳбарлари ҳоҳлаган ишини қилишяпти. Гўё уларнинг назарида қонун йўқдек. Масалан, «Сурхондарёсавдо» акциядорлик компанияси томонидан 2001 йилда банкдан олинган 595 минг сўм компания ходимларига тарқатилмасдан, бошқа шахсларга бериб юборилганлиги ва 2002 йил 1 сентябрга келиб ушбу қарздорлик 1,4 млн. сўмни ташкил қилгани ҳолда, ҳеч бир олдиберди ҳужжатларисиз «Термизвилоятсавдо» акциядорлик компанияси ҳисобидан тўланган.

Яна бир ачинарли ҳолат шундаки, кейинги пайтларда халқ таълими тизимида кўплаб ноқонуний ишлар бўлмоқда. Бундан ўқитувчилар ва тарбиячилар азият чекмоқда. Масалан, Кегейли тумани халқ таълими бўлимида ғазначи бўлиб ишлаган К.Ниетуллаев бошқа мансабдор шахслар билан тил бириктириб, мактаб ва болалар боғчаларида ишловчи ишчи-хизматчиларга берилиши лозим бўлган 21.8 млн. сўмлик иш ҳақлари ва бошқа ижтимоий таъминот маблағларини бухгалтерия ҳужжатларини қалбакилаштириш йўли билан талон-тарож қилишган.

Яна бир мисол. Андижон шаҳридаги 18-сонли мактаб директори Э.Холиқов ўқитувчилар ва техник ходимларига иш ҳақи сифатида банклардан олинган 1.8 млн. сўм нақд пулларни тарқатмасдан ўзлаштирган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан прокурорлар томонидан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Иш ҳақидан қарздорликнинг келиб чиқиши ўрганиб чиқилганда корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб рақамларида пул маблағлари йўқлиги, айланма маблағларнинг дебитор қарзларга жалб қилинганлиги ҳамда олдиндан тўловсиз истеъмолчиларга маҳсулотлар бериб юборилганлиги сабаб бўлганлиги аниқланди.

Айрим раҳбарлар юқори ташкилотлардан ўз корхонасидаги аҳволни яшириб, «Бизда ишлар аъло» дея ҳисобот берадилар. Бироқ ҳақиқий аҳвол ўрганилганда ҳақиқий манзара бошқача эканлиги намоён бўлади. Хусусан, Наманган вилояти, Уйчи тумани Охунбобоев номли ширкат хўжалиги аъзоларига 18,6 млн. сўмлик иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш чоралари кўрилмай, мавжуд аҳвол расмий ҳисоботларда кўрсатилмай келинган.

Бундан ташқари, иш ҳақи ва бошқа тўловлар учун бюджетдан молиялаштирилган маблағларнинг банклар томонидан мақсадсиз ўтказилиши ҳамда нақд пул билан таъминлаш асоссиз равишда кечиктирилиши ҳолатларига йўл қўйилган. Жумладан, «Тадбиркорбанк»нинг Чуст тумани бўлими бошқарувчиси Д.Отабоев иш ҳақи учун марказлаштирилган транш орқали келган 2 млн. сўмни техника олиш учун ўтказиб юбориб, ширкат хўжалиги аъзоларининг манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказган. Бундай мисолларни эса хоҳлаганча келтириш мумкин.

Прокуратура органлари томонидан ҳукуматимизнинг юқорида номи келтирилган қарори ижроси бўйича 2004 йилнинг 1-чорагида ўтказилган назорат фаолияти натижасида тегишли прокурорлик таъсир чоралари кўрилди. 57 та жиноят иши қўзғатилган, етказилган 541,1 млн. сўмлик зарарнинг ихтиёрий ундирилиши таъминланиб, 2,8 млрд. сўмлик иш ҳақларини ундириш тўғрисида судларга 3152 та даъво аризалари киритилмоқда.

Олимжон СУВОНОВ,
Республика Бош прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси прокурори

2004 YIL – MEHR VA MURUVVAT YILI

ТАШАББУС ОРТИДАГИ МУРУВВАТ

Президентимизнинг ташаббуси билан 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб номланишини яна бир бор миллий қадриятларимизга мурожаат деб тушуниш мумкин. Тўғри, халқимиз бундан олдин ҳам муҳтож-мискинларга, кўнгли яримларга меҳр-мурувват кўрсатиб келган. Қаровсиз қолган қариялар, ногиронлар, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланаётган болалар, умуман бошқаларнинг меҳрига муҳтож инсонлар ҳеч қачон саховатли юртдошларимиз ва ҳукуматимизнинг эътиборидан четда қолмаган. Жорий йилда эса бу борадаги ишлар мамлакат миқёсида қулоч ёзди.

Ватанимиз азалдан саховатли, меҳр-шафқатли инсонлари билан дунё аҳлининг эътирофини қозониб келган. Бунга истаганча мисол келтириш мумкин. Машъум Иккинчи жаҳон уруши йилларида қаровсиз қолган юзлаб етим болаларга меҳрини бериб, бутун инсониятга меҳр-шафқатдан сабоқ бериб кетган тошкентлик Шомаҳмудовлар, самарқандлик Самадовларнинг издошлари ҳозир ҳам орамизда кўп. Оққан дарё оқаверар экан.

Маълумки, меҳрибонлик ва мурувват уйларига кўмак беришга шай инсонлар ҳамиша топилган. Уларнинг ёрдами кўпинча моддий томондан, дейлик маблағ ўтказиш, озиқ-овқат ёки кийим-кечаклар билан таъминлаш каби кўринишларда бўлади. Бу албатта таҳсинга лойиқ, негаки саховат ҳам ҳар кимнинг қўлидан келавермайди.

Шу йилнинг февралида Оққўрғонда ўтказилган деҳқон ва фермер хўжаликларининг умумий йиғилишида туман ҳокими — вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия раиси Т. Ботиров «Меҳр ва мурувват йили»да қилинаётган савобли ишлардан деҳқон-фермер хўжаликлари ҳам четда қолмайди, албатта, деган фикр билдирди. У 300 га яқин меҳрга ташна болалар тарбияланаётган 78-махсус ёрдамчи мактаб-интернатга ҳам эътибор қаратиш ва ҳар бир фермер мазкур интернатда тарбия топаётган болаларни ўз фарзандидай қабул қилиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатса, яхши бўлар эди деган таклифни ўртага ташлади.

Турган гапки, бу таклиф ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Ташаббус қўллаб-қувватланди. Қисқа муддат ичида интернат тарбияланувчиларининг 57 нафарини фермерлар, турли ташкилот ва корхона раҳбарлари ўз ҳомийлигига олишди.

Бу ташаббуснинг ўзига хос жиҳати шундаки, ҳомийлар болаларга нафақат моддий, балки маънавий кўмак беришни ҳам мақсад қилишди. Улар болаларни ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларида, таътилларда ўз уйларига, оиласи бағрига олиб кетишади. Бу нарса уларда оила муҳитида яшаш кўникмасини пайдо қилади.

Жисмонан бошқалардан заиф-роқ, ожизроқ, кўнгли ғариб инсонларга эътибор кўрсатиш, уларга нисбатан меҳр-мурувватли бўлиш халқимиз қадрияти, давлатимиз сиёсатининг эътиборли жиҳатларига айланиб бормоқда. Зеро, ногирон бўлиб туғилган, қандайдир тасодиф билан саломатлигини йўқотган инсонларга меҳр-оқибат кўрсатиш, ҳомийлик қилиш инсонпарвар жамиятнинг асосий хусусиятларидан саналади.

Оққўрғондаги 78-махсус ёрдамчи мактаб-интернатда асосан ақли заиф болалар тарбияланишади. Улар бошқалардан ҳам кўра кўпроқ меҳрга, эътиборга, айниқса оила шароитида тарбияланишга муҳтож. Мураббийларнинг эътирофича, ҳомийларининг уйига бориб, у ерда оила муҳитини ҳис этиш болалар руҳиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда экан.

Болаларга нафақат ҳомийлик, балки оталик меҳрини ҳам бераётганлар орасида «Бўстон» қурилиш ташкилоти раҳбари А. Саидумаров, тадбиркор Ф. Мўминов, туман ҳокими Т. Ботиров, прокурор У. Абдиев, ИИБ бошлиғи Б. Сулаймонов каби раҳбарларнинг ҳам борлигини айтиб ўтиш жоиз.

Эътироф этиш керак, бундай ташаббус мақтовга арзийди. Ирмоқлардан дарёлар пайдо бўлади дейди халқимиз. Оққўрғонлик саховатли инсонлардан бошқа юртдошларимиз ҳам ибрат олса, жамият бундан фақатгина фойда кўради.

Баҳодир ҚОРАЕВ,
Тошкент вилояти прокуроринг катта ёрдамчиси

ESSIZ UMR

КЎНГИЛ МАЙЛИ

1962 йилнинг майи. Хотини ўғил туққан Умар аканинг севинчи ичига сиғмайди. Ахир фарзанд кўради-ю қувонмай бўладими? Боз устига ўғил бўлса! Аввало ўғил авлоднинг давомчиси, қолаверса, эрта-индин улғайиб, отасининг ёнига кириб қўлидан ишини олади.

Мана шундай ширин хаёллар, яхши ниятлар билан ота-она чақалоққа Назиржон деб исм қўйишди. «Кўпчиликка нафи тегадиган йигит бўлсин» дея тилак билдиришди. Аммо...

Эр-хотин Назиржоннинг тарбиясига бироз беэътибор қарашди. Тўғриғи, уни керагидан ортиқ эркалатиб юборишди. Оқибатда Назиржон ўтакасалтанг, меҳнатга бўйин бермайдиган бўлиб улғайди. Мактабни ҳам чала тугатди.

Назиржон илк «фаолияти»ни ўғрилик билан бошлаганда ҳали 18 га ҳам кирмаган эди. Ўшанда унга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган ва жазодан муддатидан илгари озод қилиниб, хатосини тузатиш учун имконият берилганди. Лекин Назиржон, бундан тўғри хулоса чиқармади. Аксинча, орадан кўп ўтмай давлат мулкини талон-тарож қилгани боис яна «тузоққа» тушди. Бу гал 2 йилу 11 ойга ҳукм қилинди. Аммо, шундан кейин ҳам у тавбасига таянмади. Жазо муддати тугаганига бор йўғи 2,5 ой бўлганда эски «ҳунар»ини такрорлаб, учинчи марта судланди ва у умрининг тўрт йилини панжара ортида ўтказишга мажбур бўлди.

Халқимизнинг «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деган нақли худди Назиржон учун айтилгандек. Бўлмаса яна икки йилча вақт ўтиб энг жирканч жиноятга қўл урмаган бўларди. У вояга етмаган Муслиманинг номусига тажовуз қилиб, 13 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Назиржон ушбу жазони ўтаб, ўтган йилнинг феврал ойида озодликка чиқди. Эътибор берган бўлсангиз бу одам ҳаёт дея аталмиш азиз неъматнинг 20 йилдан кўпроғини хазон қилди.

Бироқ, эгрини гўр тузатади, деганлари рост экан. «Ўтириш»нинг «мазаси»ни олган Назиржон етти ойлик танаффусдан сўнг, яъни 2003 йилнинг 26 сентябрида навбатдаги «операция»ни амалга оширди. Ўша куни соат бешларда у қўшниси Бахтиёрникига чиқди.

— Велосипедингни бериб тур, илтимос. Далага бориб экинлардан хабар олиб келмоқчиман, — деди қўшнисига.

— Майли, фақат узоқ қолиб кетманг, — дея айвонда турган велосипедига ишора қилди Бахтиёр.

Назиржон велосипедда далага борди. Экинларни наридан бери кўздан кечирди-ю, сўнгра Халқобод шаҳарчасига жўнади. Шаҳарчага етиб келгач, савдо дўконига кириб, «томоқни ҳўллаб» олмоқчи бўлди. Шундай бўлди ҳам. Дўконда кўнгли кўтарганча ичди ва анча дадиллашиб қолди. Кейин унинг нияти бузилди: уйга бирор «ўлжа» билан қайтишни мўлжаллади. У девор оша Ҳ.Дадабоевнинг ҳовлисига тушди. Айни чоғда уй эгалари меҳмондорчиликка кетишганди. Назиржон дераза орқали уйга кирди. Аммо, қўлга илинадиган бирор нимани топа олмади. Бу эса унга жуда алам қилди ва чиқиб кетаётганда дазмолни токка тиқиб, кўрпалар тахмони устида қолдирди... Ёнғин натижасида хонадон соҳибига 366 минг сўмлик зарар етказилди.

Назиржоннинг фикру хаёли ҳамон шум ниятини амалга ошириш билан банд эди. Шунинг учун у энди кўшни хонадон — М.Акрамовникини нишонга олди. Кўшнисиникидан сингари бу уйга ҳам дераза орқали кирди. Сандиқдан 8500 сўм пул топганда Назиржоннинг чеҳраси бирдан ёришиб кетди. Чунки, «операция»га сарфланган вақти беҳуда кетмаган эди-да. Кўп ўтмай ушбу хонадонда ҳам ёнғин содир бўлиб, уй эгаси 141450 сўм миқдорида зарар кўрди. Устига-устак «меҳмон» мезбоннинг 70000 сўмлик велосипедини ҳам олиб кетмоқчи бўлиб, кўчага чиққан эди ҳамки, хонадон соҳибаси Замира келиб қолди.

— Сиз кимсиз? Бизнинг велосипедни қаёққа олиб боряпсиз?, — деди у бир Назиржонга, бир уйидан чиқаётган аччиқ тутунга қараб. Аёл жуда хавотирга тушди. Назиржон эса уни сўкиб, қочиб кетди. Лекин, узоққа бораолмади. Замиранинг ёрдам сўраб додлашидан кўчага чиққан маҳалладошлари уни ушлаб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига топширишди.

Дунёда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам жавобсиз қолмайди. Суд қаҳрамонимизга қилмишига яраша қонуний жазо тайинлади.

Шу ўринда судланувчининг қисматидан бохабар бўлиш баробарида бизда айрим фикр-мулоҳазалар туғилди.

Касални даволагандан кўра унинг олдини олган яхшироқ. Бироқ, Назиржоннинг ота-онаси ўғилларининг «касал»ининг олдини олишга ҳам, даволашга ҳам ожизлик қилишди. Албатта, шундай бўлгандан кейин маҳалла-кўй, қўни-қўшни, қариндош-уруғнинг маслаҳати ва ёрдамига таянишлари лозим эди. Энди яшаган умрнинг ярмидан кўпроғини сим тўрлар ортида ўтказган кишининг кўзи очилишига ишониш мумкинми?

Муҳаммадхон ЖЎРАЕВ,
Поп туман прокурори.
Хуршид СУЛТОНОВ,
журналист

NAZORAT

КОММУНАЛ ИСЛОҲОТЛАР ИСЛОҲГА МУҲТОЖ

Республикамизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб моҳияти, энг аввало, инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилишга қаратилган. Жумладан, коммунал тизимни ислоҳ қилишдан кўзланган мақсад ҳам шу. Сир эмаски, ислоҳотларнинг муваффакияти, аввало, қонун ва қонун ости ҳужжатларининг ижроси билан боғлиқдир. Аммо қонунларни хаётга татбиқ этишдаги узилишлар, уларга беписандларча муносабат яхши ниятлар билан бошлаган ишларимизга жиддий тўсиқ бўлмоқда. Бундай манзарани, фаолияти яшаб турган бошпанамизни қамраб олувчи коммунал хизмат кўрсатиш тизимида, айниксa, яққол кўриш мумкин. Ушбу махсус сахифамизда улар хусусида батафсилроқ тўхталиб ўтишга ҳаракат қилдик.

ШИРКАТДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан пойтахтимизда жойлашган уй-жой мулкдорлари ширкатларида «Уй-жой мулкдорларининг ширкати тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунлар ҳамда уй-жойдан фойдаланиш ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижроси юзасидан текширишлар ўтказилди.

Текширишлар туман ҳокимликлари қошида ташкил этилган тўловларни йиғишда ёрдам кўрсатиш бўйича комиссиялар, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг 2003 йил ва жорий йилнинг ўтган давридаги фаолияти ўрганиб чиқилди. Бунда асосий эътибор уй-жой ширкатларининг ташкил этилиши механизми, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари билан тузилган шартномаларнинг бажарилиши, 1991 йилгача қурилган кўп қаватли уй-жойларнинг мукаммал таъмирланиши аҳволига қаратилди. Шунингдек, кўрсатилган коммунал хизматлар учун аҳолининг қарздорлиги, уларни камайтириш борасида қилинган ишлар ва бошқа масалаларнинг қонунийлиги ҳам ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, ***Тошкент шаҳрида жами 381 та уй-жой мулкдорлари ширкати мавжуд бўлиб, уларга 9291 та кўп қаватли уй бириктирилган.*** Ўрта ҳисобда ҳар бир ширкатга 24-25 тадан уй тўғри келади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1 мартдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарорига кўра 2002-2006 йиллар мобайнида ширкатлар тасарруфидаги 3647 та кўп хонадонли уйни тубдан таъмирлаш режалаштирилган. Улардан 70 фоизи бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан таъмирланиши кўзда тутилган. Шаҳар ҳокимияти қошидаги коммунал фойдаланиш бошқармасининг маълумотига кўра, ***2002-2003 йиллар даврида ҳокимиятлар томонидан 738 та уй-жой мулкдорлари ширкати маблағлари ҳисобидан 555 та уй мукаммал таъмирдан чиқарилган. 2006 йилгача эса жами 2694 та кўп қаватли уйни таъмирлаш режалаштирилган.***

Ўтказилган текширишлар бу борадаги қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижроси ҳокимликлар, шунингдек уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан қониқарсиз бажарилаётганлигини кўрсатди. Хусусан, ширкатларнинг ташкил этилиши ва уларни рўйхатга олинишининг қонунийлиги ўрганилганда турар-жойлардан фойдаланиш хизматларини ўзини-ўзи маблағ билан таъминлайдиган бошқа турдаги ташкилотга айлантириш жараёнини тезлаштириш мақсадида собиқ уй-жойдан фойдаланиш бошқармалари уй-жой мулкдорлари ширкатларига «компания» тарзида шаклан айлантирилган.

Бундан ташқари, янгидан тузилган ширкатлар уй-жойдан фойдаланиш бошқармаларининг «ҳуқуқий вориси» сифатида қабул қилиниб, уларнинг коммунал тўловлардан мавжуд кредиторлик қарзлари ширкатларга ўтказиб берилган. Масалан, Собир Раҳимов тумани «Олмазор» маҳалла фуқаролар йиғинининг қарори билан «О.Бобожонов» уй-жой мулкдорлари ширкати ташкил этилган ва унга 51 та кўп қаватли уй бириктириб берилган ҳамда ана шу уйларни бошқарган 3-муқобил ташкилотнинг 11,0 млн. сўмлик кредитор қарзлари ширкат балансига ўтказилган.

Ширкатларнинг 20, 40 та кўп қаватли уйларни бирлаштирган ҳолда тузилганлиги, улардаги 1000-2500 хонадон мулкдорларини бирлаштирилиши, ўз-ўзидан юқорида қайд этилган қонуннинг 1-моддаси талаблари бузилишига шароит яратган. Яъни, қонун талабига кўра, ҳар бир уй эгаси — мулкдорнинг шахсан қатнашишини назарда тутувчи умумий йиғилишлар ўрнига, уй бошқарувчилари (домкомлар) иштирокида мажлислар ўтказиб борилган.

Деярли барча ширкатлар фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддаси талаблари бузиб келинаётганлигини кўриш мумкин. Яъни, мазкур қонун талабига кўра уйга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар уй-жой мулкдорлари томонидан тўпланади. Кўп хонадонли уйлардаги хусусийлаштирилган уй-жой биноларининг мулкдорлари уйнинг муҳандислик ускуналарига, умумий фойдаланиладиган жойларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ҳамда уй олдидаги ҳудудни сақлаб туриш билан боғлиқ харажатларни тўлашда ушбу уйда ўзлари эгаллаб турган умумий майдонга мутаносиб равишда техник хизмат кўрсатиш учун тузилган шартномага биноан қатнашадилар.

Ширкатлар тузилганига 3-4 йил ўтган бўлсада, барча уй-жой мулкдорлари билан ширкатлар ўртасида квартираларга техник хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар тўлиқ тузилмаган. Бу эса уй-жой мулкдорларининг ширкат бошқаруви фаолиятига лоқайдлик билан муносабатда бўлганлигидан, умумий мажлисларида тўлиқ иштирок этмаётганлигидан далолат беради. Ўз навбатида ҳокимликлар томонидан ширкатлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ҳам қониқарсиз ташкил этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1 мартдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 2-бандига асосан ҳокимият органларига уй-жой фондида таъмирлаш-тиклаш ишлари таннархини пасайтириш мақсадида уй-жой мулкдорлари ширкатларини зарур моддий-техника ресурслари билан пуллик асосда марказлаштирилган тартибда таъминлаш вазифаси юклатилган бўлсада, шаҳар ҳокимияти томонидан ҳукумат қарорининг ушбу банди тўлиқ ижро этилмаган. Туман ҳокимликлари фақат уй-жойдан фойдаланиш бошқармалари мулкини уй-жой мулкдорлари ҳисобига ўтказиш билан чекланишган. Шунингдек, турар жойларни реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун пудратчиларни танлаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ танловлар (тендер) ўтказиш ишлари ҳам амалиётга тадбиқ этилмаган.

Ширкатлар эса ўз ҳолича лаёқатсиз қурилиш фирмалари билан таъмирлаш ишлари бўйича шартномалар тузган. Оқибатда таъмирлаш-қурилиш ишларига ортиқча харажатлар қилинган, айрим ҳолларда бажарилган таъмирлаш ишларига қўшиб ёзилиб, маблағлар ўзлаштирилган. Масалан, Мирзо Улуғбек тумани «Олтин-чўлпон» уй-жой мулкдорлари ширкатида ўтказилган текширишда «Артслан» хусусий фирмаси билан тузилган шартномага асосан Ҳ.Абдуллаева кўчаси, 78-уй томининг 600 кв.м.га жами 2012268 сўмлик иш бажарилганлиги тўғрисида далолатнома тузилганлиги, лекин фирма томонидан амалда 1818304 сўмлик иш бажарилмаганлиги аниқланган. Ушбу ҳолат юзасидан Мирзо Улуғбек туман прокуратураси томонидан «Олтин=чўлпон» ширкати раҳбари С.Вахитовга ва «Артслан» фирмаси мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Миробод туманидаги «Давр коммуналчи» уй-жой мулкдорлар ширкати бошқаруви раиси А.Жиянов эса ўз буйруғи билан бир нечта уй бошқарувчиларини феврал ойи учун фойдаланиш тўловларидан юз фоизга озод қилган. Шаҳар прокуратурасининг протести билан мазкур ноқонуний буйруқ бекор қилинди.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликлардан яна бири, улардаги мавжуд бино, ер майдонлари ва ресурслардан ижарага бериш ва бошқа имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, уй-жой заҳира фондларини шакллантириш бўйича қўшимча маблағларни жалб қилиш чоралари кўрилмаётганлигидир. Баъзи ҳолларда ижарага берилган объектлар тегишли тартибда расмийлаштирилмасдан қолмоқда. Масалан, Чилонзор туманидаги ***«Олмазор» уй-жой мулкдорлари ширкати маъмурияти томонидан 2003 йил давомида 4795,4 кв.м. майдондаги бинолар шартнома тузилмасдан ижарага бериб юборилган ва ширкат мулкдорлари манфаатларига 7774,4 минг сўм зарар етказилган.*** Ушбу ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилди.

Баъзида ширкат хўжаликларининг тўлов қобилиятлари, иқтисодий аҳволининг ёмонлашувига уй-жойлардан фойдаланиш харажатлари бўйича тарифларни асоссиз оширилаётганлиги ёки камайтирилаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятидаги қонунбузарликлар, кўрсатилаётган коммунал хизматларнинг сифатсизлиги, таъмирлаш ишларининг ўз вақтида амалга оширилмаётганлиги, мулкдор билан ширкат ўртасида муносабатларнинг ўзаро ишонч, ихтиёрийлик асосида ўрнатилмаганлиги ҳам тўловлардан қарздорликни мунтазам равишда ортиб бориш сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шаҳар бўйича 2003 йил 1 январ ҳолатига тўловларнинг барча турлари бўйича жами қарздорлик 7321,8 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2004 йилнинг 1 январ ҳолатига келиб ушбу қарздорлик 14,0 млрд. сўмдан ошган.

Текшириш натижаларига кўра қонунбузилиши ҳолатлари, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, кўзланган мақсадга эришишда қонун талабига риоя этиш, унга ҳурмат руҳи билан ёндошиш муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, бу энг аввало шу жамиятда яшовчи, ўзини шу юрт фарзанди деб билувчи ҳар бир шахснинг фуқаролик бурчидир.

М.МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари

ШАРТНОМА — ЛАФЗ ДЕГАНИ

2001 йилнинг 1 январида «Тошкентлифт» трести ва «Биринчи қалдирғоч» уй-жой мулкдорлари ширкати ўртасида шартнома тузилиб, унга кўра, бир томон лифтларга хизмат кўрсатиш ва уларни техник ҳиҳатдан назорат қилиб бориш, иккинчи томон эса кўрсатилган хизмат учун белгиланган миқдордаги ҳақни ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

Дастлаб томонлар зиммаларига олган мажбуриятларни оғишмай бажаришади. Аммо кейинчалик, «Тошкентлифт» трести лифтларни техник назорат қилиш нархини шартномада белгиланган 21 коэффициентдан 37 коэффициентга ошириб, 2001 йилнинг 1 августидан бошлаб тўловни шу нарх-да амалга оширишни талаб қила бошлайди. Шундан сўнг ўртада низо келиб чиқади. Янги коэффициентнинг жорий қилиниши билан «Биринчи қалдирғоч» уй-жой мулкдорлари ширкати «Тошкентлифт»га ҳар ойда 286 минг 806 сўм тўлаши лозим бўлади. Шартномада белгиланган коэффициент бўйича эса бу миқдор 136 минг 58 сўм эди. Шу боис ширкат янги коэффициент бўйича ҳақ тўлашдан бош тортиб, шартнома шартлари бузилаётганини билдиради. Бироқ, «Тошкентлифт» трести бу эътирозни ўринсиз деб билиб, етказилган зарарни ундириб беришни сўраб судга мурожаат этади. Низо Тошкент шаҳар хўжалик судида кўриб чиқилганида, ҳақиқатан ҳам шартнома шартлари бузилганлиги аниқланади.

Фуқаролик кодексининг 8-, 234-моддаларида айтилишича, мажбуриятлар, шунингдек зарар етказиш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар шартнома шартлари ҳамда ФКда белгиланган тартибда вужудга келади. Шу билан бирга ФКнинг 236-моддасига мувофиқ, мажбуриятлар мажбурият шартларига ҳамда қонунда белгиланган тартибда бажарилиши лозимдир. Бундан ташқари, «Биринчи қалдирғоч» уй-жой мулкдорлари ширкати билан «Тошкентлифт» трести ўртасида тузилган шартноманинг 1.4. пунктида айтилишича, шартнома шартлари ва унда белгиланган тўлов миқдори фақат Республика Президентининг Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарори ёки шу каби шартномаларни тартибга солишга қаратилган бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ ҳолда ўзгартирилиши мумкинлиги белгиланган. Бундай ҳолатда ўзгартирилган миқдордаги ўзаро ҳисоб-китоб томонлар ўртасида келишилиб, мазкур қонун ҳужжатлари кучга кирган вақтдан бошлаб амалга оширилиши тасдиқланган. Шу билан бирга шартноманинг 7.4 пунктида шартнома шартларига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш зарурати туғилганда, ҳар икки томоннинг ёзма равишдаги келишуви бўлганлигина амалга оширилиши мумкинлиги қайд этилган. Лекин бу хатти-ҳаракатлар даъвогар томонидан бажарилмаган. Суд жавобгарнинг тўловларни эски коэффициент бўйича ўз вақтида тўлаб келганлиги ва юқоридаги ҳолатларни эътиборга олиб, даъвогарнинг талабини қисман қаноатлантириб, тўловни эски коэффициент бўйича тўлаш лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилган.

Бир қараштда даъвогарнинг талаби ўринли туюлса-да, шартнома юзасидан зиммага олинган мажбуриятларни бузиш лафздан қайтиш демакдир. Шундай экан, ҳар бир шахс қонун нормаларини ҳурмат қилиши, қонун устуворлигини тан олиши шарт. Ана шу оддий қоидага риоя этилган тақдирдагина биз кўзлаган мақсадга эриша оламиз.

А.АҲМЕДОВ,
Республика Бош прокуратурасининг бўлим прокурори

P.S. *Кўпинча бирор бир подъезддаги лифт бузилиб қоладиган бўлса, аксарият ҳолларда лифт мотори ёки бошқа эҳтиёт қисми қўйган ёхуд лифтнинг шу каби қисмлари ўғирлаб кетилган деган гапни эшитиш мумкин. Лифтни тузатиш ҳақида гап кетганида эса эҳтиёт қисм йўқлиги, шунинг учун хонадон эгалари пул йиғиб беришса, усталарнинг ўзи шундай эҳтиёт қисмни бозордан сотиб олиб келиб қўйиб беришлари мумкинлигини айтишади. Ҳақли савол туғилади. Хўш, лифтларга техник хизмат кўрсатиш ташкилотларида бўлмаган эҳтиёт қисмлар қандай қилиб бозорга чиқиб қолади?*

Кўпинча эса лифт ишламай қолганида, хонадонларнинг қарздорлиги баҳона қилиниб, «фалон-фалон хонадонларнинг қарздорлиги бартараф этилгандан кейингина лифт ишга туширилади» деган, рустилидаги отнингқалласидек эълон осиб қўйилади (Миробод тумани, Чехов кўчаси 21-уй). Албатта пули тўланмаганидан кейин текинга хизмат кўрсатиш

ҲАЛИ МУАММОЛАР КЎП

Маълумки, 1999 йил 15 апрелда «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган эди. Коммунал тизимни ислоҳ қилишга қаратилган мазкур қонуннинг қабул қилиниши албатта қувонарли ҳолдир. Бироқ, уларда белгиланган вазифаларнинг лозим даражада бажарилмаётганлиги кейинги пайтларда бу тизимда муаммоларнинг кўпайишига ва ўз навбатида аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўляапти.

Кўп қаватли уйда истиқомат қилувчи фуқароларнинг мурожаатлари таҳлил қилиб кўрилганида, коммунал тизим муаммоларининг тез-тез учраб туришига кўп ҳолларда уй-жой ширкатларининг фаолияти сезилмаслиги маълум бўлмоқда. Шикоятларнинг аксариятида ширкатлардан муаммонинг ҳал этилишини йиллаб кутишга тўғри келаётганлиги тилга олинади. Лекин ҳақ тўлаш вақти келганида эса ширкатлар жуда фаоллашиб, қарздорликни рўкач қилишга тушишади. Фикримга далил сифатида бир мисол келтирсам.

Тошкент шаҳар, Аэропорт кўчаси, 1-уй, 27-хонадонда истиқомат қилувчи Михаил Лепёшкиннинг қариган чоғида судма-суд, идорамаидора юриши етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. У турмуш ўртоғи билан мазкур хонадонда 1954 йилдан бери яшаб келарди. Бироқ, хонадонидаги иситиш батареялари қишнинг қаҳратон кунларида иситмай қўйгани боис тез-тез касалланиб қолаверди. Гарчи у коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаб борса ҳам хонадонининг исимаётгани ҳақида уй-жой ширкатига қилган мурожаатлари эътиборсиз қолаверган. Қариянинг илтимослари ҳавога учиб кетавергач, у ҳам иситилмайдиган хонадон учун пул тўламай қўяди. Аммо йиллар давомида уйнинг иситилмай келинганлиги М.Лепёшкиннинг соғлиғига жиддий таъсир кўрсатади ва у охир-оқибат судга мурожаат этишга мажбур бўлади. Шикоят фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туман судида кўриб чиқилганида, ҳақиқатан ҳам М.Лепёшкиннинг уйидаги иситиш тизимида «Аэропорт» уй-жой мулкдорлари ширкати билан ўзаро тузилган шартнома шартларига кўра, профилактик ва таъмирлаш ишлари ўз вақтида олиб борманганлиги сабабли нафақат даъвогарнинг уйи, балки бошқа хонадонлар ҳам 1994 йилдан бери иситилмай келинаётганлиги аниқланади. Шу боис суд М.Лепёшкиннинг даъвосини қаноатлантириб, унга етказилган моддий ва 100 минг сўм миқдорида маънавий зарарни ундириш тўғрисида қарор қабул қилади.

М.Лепёшкиннинг саъй-ҳаракатлари туфайли қолган хонадонлардаги иситиш тизими яна ишга туширилди. Лекин бу каби ечимини топмаётган муаммолар бошқа жойларда ҳамон мавжуд. Албатта, бундай масалаларни фақат уй-жой ширкатларига ёки бошқа шу каби идораларнинг ўзига юклаб қўйиш адолатдан эмас.

«Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонунда ширкатларга бириктирилган уйлар ҳамда улар атрофидаги ҳудудларнинг лозим даражадаги санитария-техника ҳолатида сақланишини таъминлаш, уйларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлашни таъминлаш, ширкат аъзолари олдида йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини ҳамда унинг ижроси тўғрисида ҳисобот бериш каби муҳим вазифалар юклатилган. Шу билан бирга мазкур қонунда айтилишича, квартиралар оралиғидаги ўралма пиллапоялар, зинапоялар, лифтлар, лифтнинг шахталари ва бошқа шахталар, даҳлизлар, техник қаватлар, таянч ва тўсиқ конструкциялар, квартира ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ квартирага хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника қурилмалари ва бошқа қурилмалар, бино атрофидаги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш элементларини ҳам қамраб олган ер участкалари, шунингдек ширкат кўчмас мулкнинг ягона комплексига кирувчи бошқа мол-мулклар ширкатдаги умумий мол-мулк ҳисобланиши, уларга хизмат кўрсатиш ҳам уй-жой ширкатлари зиммасида эканлиги белгиланган. Шундай экан, бу ҳудудлар бўйича хизмат кўрсатиш бевосита уй-жой мулкдорларининг мажбуриятига кириши ва улар бунга оғишмай риоя қилишлари шарт.

Ўз навбатида уй-жой мулкдорлари, яъни хонадон эгалари ҳам уй-жой ширкатлари томонидан мазкур вазифаларни бажаришда кўмаклашишлари, назорат қилишлари, бошқача қилиб айтганда унинг фаолиятига бефарқ бўлиб, қараб турмасликлари лозим.

«Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонун уй-жой ширкатларнинг маълум бир ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб бериш билан бирга, ҳар бир хонадон эгаси — ширкат аъзосига ҳам муайян ваколатларни юклайди. Масалан, ширкат аъзоларининг умумий йиғилишини чақириш, йиғилишларда ширкат низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, бошқарув ва тафтиш комиссиясини сайлаш ва уларнинг ваколатини муддатидан олдин тугатиш, йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини ҳамда унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ва ҳоказолар. Бундан ташқари, юқорида айтиб ўтилган вазифаларнинг бажарилишида ҳамда юзага келган муаммоларнинг ечимини топишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам, уй-жой эгалари ҳам фаол иштирок этишса ёмон бўлмасди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, баҳамжиҳатлик билан ҳар қандай муаммони ва умумманфаатига тўғаноқ бўлаётган тўсиқларни бартараф этиш мумкин.

Р.МУҲАМЕТДИНОВА,
Республика Бош прокуратурасининг бўлим прокурори

ҳеч кимга ёқмайди. Бироқ, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Айтайлик, тўққиз қаватли уйнинг битта подъездида жами 18 та хонадон бўлса, уларнинг барчаси қарздор бўлмайди. Чунки ҳеч бўлмаганда уларнинг 30 фоизи коммунал хизматлар учун ҳақни ўз вақтида тўлаб келишади. Хўп, хонадонларнинг иккитаси ёки учтаси тўлаган тақдирда ҳам уларнинг пули қаерга кетади? Улар нима учун бошқаларнинг айби учун жавоб бериши керак? Тажрибадан маълумки, бундай ҳолларда пулини тўлаб қўйган истеъмолчига унинг пули қайтариб берилмайди ёки кейинги ойлар ҳисобига ҳам ўтказилмайди. Уй-жой ширкатларининг ёки лифтсозларнинг бундай хатти-ҳаракатлари оқибатида истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилмаяптимикан. Бунинг устига мазкур уйнинг юқори қаватларида яшовчи қариялларнинг аҳволи не кечади? Афсуски, бундай ҳолат бугунги кунда шаҳримизнинг деярли барча туманларида кузатилмоқда. Масалан, С.Раҳимов тумани Ц 17/18-3 «а» уйларнинг лифтлари уй қурилганидан бери ишламайди ёки бўлмаса Яккасарой тумани Бобур кўчаси, 40 «в» уйнинг лифти эса фақат 6-қаватгача кўтарилар экан, холос. Бу эса ўз навбатида фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Фуқароларнинг мазкур масала хусусидаги шикоятлари кейинги пайтларда нега кўпайиб бораяпти деган савол билан «Тошкентлифт» трести бошлиғи С.Дайбловскийга мурожаат қилганимизда, у бу бўйича Тошкент шаҳар коммунал хизмат кўрсатиш бирлашмасига мурожаат қилишимизни айтди.

Лифтлар бузиб қолганида ҳам ана шундай аҳвол. Яъни, ишламай қолган лифт юзасидан мурожаат қилсангиз, уй-жой ширкатлари лифт идораларига, улар эса уй-жой ширкатларига боришни айтишади. Охир оқибат «узатилган қопток» яна фуқароларнинг ўзида қолиб кетаверади. Уйлаймизки, мутасадди ташкилотлар бу хусусда тегишли чора-тадбирларни кўради.

JURNALIST SURISHTIRUVI

АКЦИЯДОРЛАР НЕГА НОРОЗИ?

Кўп йиллар давомида чўкиб қолган хўжалик ёки ташкилотга билимли, замонавий талабларга жавоб берадиган, ташаббускор, изланувчан ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган бир инсон бошлиқ бўлиб келса, орадан кўп ўтмай шу ерда қандайдир жонланиш пайдо бўлади, одамлар ҳаракатга келиб шу етакчининг атрофида жипслашиб кўпгина ўзгаришларга эришади, ютуқларни қўлга киритишга қодир бўлади.

Ислом КАРИМОВ

Яқинда халқимиз мустақилликнинг 13 йиллигини кенг нишонлайди. 13 йил онгимизда шунчалик ўзгаришлар ясадики, буни таъриф-лаш қийин. Жумладан, мулк шаклининг ўзгариши ҳамиртларимизни янгича фикрлашга ундамоқда.

Кейинги йилларда минглаб ташкилотлар давлат тасарруфидан чиқарилиб, жамоа корхоналарига, акционерлик жамиятларига, хусусий корхоналарга айлантирилди. Хуллас, ишлайман, бой бўламан, корхона равнақи учун курашаман дейдиган тадбиркорлар давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Уларнинг эркин фаолият юритиши учун етарли ҳуқуқий асослар мавжуд.

Афсуски, давлат тасарруфидан чиқарилган барча ташкилотларда ҳам ишлар аъло даражада деб бўлмайди. Нўноқ раҳбарларнинг айби билан баъзи корхоналар боши берк кўчага кириб қолмоқда. Ишчилар маошини, акциядорлар дивидендларини ўз вақтида олишмаяпти. Оқибатда жамоада норозичилик, «ёз-ёз»лар кўпаймоқда. Яқинда таҳририятимизга «Автотуртранс» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг бир гуруҳ ишчи ва акциядорларидан ана шундай мазмундаги шикоят хати тушди.

«Ҳурматли Бош муҳаррир! Узоқ мулоҳазалардан сўнг фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келаётган «Huquq» газетасига ёрдам сўраб шикоят ёзишга мажбур бўлдик. Бунга жамиятимиздаги адолатсизликлар сабаб.

Биз бу ҳақда «Автотуртранс» ОАЖ Кузатув кенгаши раиси Саидакмал Ганиевга мурожаат қилдик. Аммо жавоб ололмадик.

Аслида жамоада носоғлом муҳитнинг юзага келиши бизни шикоят ёзишга ундаган эди. 2-3 йил олдин фойда билан ишлаётган жамоа кейинги йилларда қарзга ботиб бормоқда. Ишчиларга 2-3 ойдан буён ойлик берилмаяпти, акциядорлар дивидендларини йиллаб ололмаяпти. Жамиятимизда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун бузиляпти» деб ёзади шикоятчилар.

«Автотуртранс» ОАЖ кузатув кенгашининг раиси — «Ўзтранссаноат» республика уюшмаси бошқаруви раисининг ўринбосари Саидакмал Ганиев бу ҳолни қуйидагича изоҳлади:

— Ҳақиқатан жамиятда иқтисодий аҳвол оғир. Сабаби, корхонанинг асосий транспорт воситалари собиқ Иттифоқ давридан қолган. Бугунга келиб уларнинг кўпчилиги яроқсиз ҳолга келиб қолди. Ишлаб фойда келтираётганлари ҳам бор. Улардан жамоа имкон даражада унумли фойдаланмоқда. Акциядорларга дивиденд бера олмаяпмиз, бунинг сабаби юқорида айтганимиздек, корхонанинг оғир молиявий аҳволига бориб тақалади. Имконқадар муаммони ҳал қилиш йўлларини излаяпмиз. Ҳозир корхонанинг молиявий аҳволи юзасидан аудиторлик текшируви ўтказаяпмиз. Айрим ишчи ва акциядорлар жамият бошқаруви раиси лавозимига корхонанинг етакчи мутахассиси Валижон Умрзоқов сайланишини талаб қилмоқда. Бунга қарши эмасмиз. Акциядорларнинг кейинги умумий йиғилишида раисликка В.Умрзоқовнинг номзоди ҳам қўйилади.

Биз таҳририятга шикоят ёзган ишчи ва акциядорлар билан суҳбатлашиш учун «Автотуртранс» ОАЖда бўлдик.

— Мен жамоада узоқ йиллар ишлаб, шу ердан пенсияга чиққанман. Анчагина акциям бор. Яқин орада дивиденд олганимни эслай олмайман, — дейди Дилобар Камилов.

— Бир пайтлар бу ташкилот автотранспорт соҳасида республикамизнинг энг илғор корхоналаридан бўлган. Нимагадир кейинги пайтда жамиятимизда молиявий аҳвол оғирлашиб қолди. Жамоани қийин аҳволга солиб қўйганлар қонун олдида жавоб бersин. Тўғриси, раҳбарлар тез-тез алмашаяпти. Мен акциядор сифатида шу корхонага меҳнати сингган олий маълумотли мутахассис Валижон Умрзоқовни раҳбар қилиб сайлашни таклиф қиламан. У анча йиллардан буён шу ташкилотда ишлайди. Ўйлайманки, жамоанинг ишончини оқлайди.

Акциядор ва ишчилардан О.Баҳромов, Я.Аҳмедов, З.Назаровлар корхонанинг бугунги аҳволи ҳақида қуюниб гапиришди.

— Бизга ишнинг кўзини биладиган раҳбар керак. Нимагадир кузатув кенгаши буни истамаяпти. Ҳайдовчиларимизнинг нияти битта: иш бersин. Ойлигимизни ўз вақтида бериб, акцияларимизга дивиденд тўласин. Энг қизиғи, ҳақ-ҳуқуқингни талаб қилиб шикоят ёзсанг сени «ёзувчи»га чиқаришади.

— Жамиятнинг бошқарув раиси вазифасига менинг номзодимни муносиб кўришганлиги учун ишчилар ва акциядорларга миннатдорчилигимни билдираман, — дейди Валижон Умрзоқов. — Гап менинг бошлиқ бўлишимда эмас. Барчамизнинг мақсадимиз жамиятни оёққа турғазиш...

Хуллас, ишчи ва акциядорларнинг талаби битта: ойлик ва акциямизнинг дивидендини ўз вақтида бersин дейди. Ҳақли талаб. Ишлаган одам ойлигини талаб қилишга ҳақли. Акциядор эса дивидендини. Фойдаси йўқ акциядан акциядор учун нима наф?

Корхона раҳбарини сарбонга ўхшатишади. Ҳақиқий сарбон карвонни турли манзилларга етаклайди. Бунинг акси бўлса-чи?.. Ана шундай мулоҳазалар билан «Автотуртранс» бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Турғун Ғоипов билан суҳбатлашдик.

—Жамият бошқаруви раиси бўлиб ишлаётганимга кўп бўлгани йўқ. Ҳақиқатан корхонамизда молиявий аҳвол оғир. Муаммони ҳал қилиш йўлларини қидираяпмиз. Яқинда кузатув кенгашининг йиғилишида бу масала ўрганиб чиқилди. Жамоада ҳозир 91 нафар ходим ишлаяпти. Уларнинг талаб ва истакларини қондириш йўлларини ўйлаяпмиз. Муаммонинг сабаби автомобилларимиз бозордаги рақобатга бардош бера олмаётганидадир.

Кўриниб турибдики, ҳеч ким корхонанинг молиявий жиҳатдан боши берк кўчага кириб қолганида ўзини айбдор ҳис қилмайди. Муаммо эса муаммолигича қолмоқда. Жамият қарзи ой сайин ошмоқда. Баҳона тайёр — техникалар эскирган.

Бу ҳол қачонгача давом этиши мумкин? «Автотуртранс» ОАЖнинг муаммолари ҳал бўладими? Акциядорларнинг арз-додлари ўринлими? Ана шу саволлар билан «Ўзтранссаноат» республика уюшмаси бошқаруви раиси Аҳмаджон Ҳамидовнинг қабулида бўлдик.

— Шикоятдан хабарим бор. Муаммони ҳал қилиш йўлларини қидираяпмиз. Жамиятдаги техникаларнинг асосий қисми эскирган. Масалан, собиқ Иттифоқдан қолган «Автолавка»ларга бугун иш йўқ. «Мерседес-Бенц», «Дамас», «Тико» каби машиналардан имкон даражада фойдаланаяпмиз. Яна бир муаммо — кўпгина ҳайдовчилар ўзим бўлсам қабилида иш тутмоқда. Масалан, «Мерседес-Бенц» маркали автобусларимиз бор. Ҳайдовчилар корхона кассасига арзимас пул топширади. Уларга ижара ҳақини оширамиз десангиз «ёз-ёз»ни бошлашади.

Ахир, жамоадаги бошқа ишчилар ҳам маош олиши керак. Жамият давлатга солиқ тўлаши зарур. Акциядорларга дивиденд беришимиз лозим. Айтаверсак муаммолар кўп. Корхонанинг олдинги раҳбари ҳам жамоадаги вазиятни кўриб ўзи ариза ёзиб ишдан кетган. Айрим ишчи ва акциядорлар Валижон Умрзоқовни раҳбар қилиб қўйишимизни талаб қиляпти. Буни биз эмас, акциядорлар ҳал қилади. Агар жамиятни боши берк кўчадан олиб чиқадиган раҳбар чиқса, уни бугунок қўллаб-қувватлаймиз.

Биз журналист суруштируви ўтказаётганимизда ҳайдовчиларнинг ҳам, акциядорларнинг ҳам, раҳбарларнинг ҳам фикр-мулоҳазаларини эшитдик. Уларнинг ҳеч бири ОАЖни боши берк кўчадан олиб чиқиш учун биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб ишлаш ҳақида жўяли фикр айтмади. Ҳаммаси ўзича ҳақ. «Автотуртранс»даги манзара рус масалчиси Криловнинг «Оққуш, чўртанбалиқ ва қисқичбақа» масалини эслатади. Жамиятнинг «арава»сини ҳар ким ҳар томонга тортмоқда. Биров-бировни эшитишни хоҳламайди. Бу бизнинг дастлабки хулосамиз.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
«Huquq» мухбири

Газета саҳифаланаётганда:

Бизга «Автотуртранс» ОАЖ кузатув кенгашидан қўнғироқ қилиб, шу йилнинг 29 май куни акциядорларнинг навбатдаги йиғилиши бўлишини айтишди.

Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

Акциядорлар жамиятининг умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин.

Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акциялар сони ва турига муносиб равишда тақсимланади.

(«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 53-моддасидан)

YANGI BO`LIM ISH BOSHLADI

Мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислоҳотлар биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Унинг муваффақияти ижтимоий-иқтисодий масалалар билан боғлиқ қатор вазифаларнинг тўлиқ бажарилишига, биринчи навбатда аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

ҚАТЪИЙ ТАЛАБЛАР, АНИҚ ВАЗИФАЛАР

ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИНИНГ ОМИЛИДИР

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунлари ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилишида сўзлаган нутқида қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар етарли даражада амалга оширилмаётганлигини танқид қилиб, соҳани ривожлантириш бугунги қуннинг долзарб масаласи эканлигини алоҳида қайд этган эди.

Мамлакат иқтисодиётида стратегик аҳамиятга молик бўлган ушбу тармоқда ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашга қодир етарли ҳуқуқий асосларнинг мавжудлигига қарамай, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, бозор иқтисодига мос келадиган хўжалик муносабатларини татбиқ этиш борасидаги фаолиятлари кутилган натижаларни бермаяпти.

Қишлоқ хўжалигини маъмурий-буйруқбосила усулида бошқариш, соҳадаги маҳсулот етиштирувчиларнинг хўжалик фаолиятига аралашиш ҳоллари, шартномавий муносабатларни шакллантиришнинг ҳуқуқий механизмларининг ҳаракатсизлиги, хўжалик раҳбарлари ўз фаолиятларининг яқуний молиявий натижалари бўйича жавобгарликни ҳис этмасликлари амалдаги ислоҳотларга жиддий тўсқинлик қилмоқда.

Деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил қилиш, уларни рўйхатга олиш ҳамда моддий техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашда жиддий камчиликлар мавжуд.

Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ҳамда ажратилган бюджет маблағларини талон-тарож қилиш, техника воситаларига хўжасизлик каби салбий ҳолатлар кенг тарқалган. Бу каби салбий ҳолатларга чек қўйиш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни жадаллаштиришнинг ҳуқуқий асосларини кучайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш, шунингдек, ушбусоҳага доир қонунлар ижроси устидан назоратни яхшилаш муҳим масала сифатида юзага чиқди. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2004 йил 11 мартда «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди. Ушбу фармонга мувофиқ қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат прокуратура фаолиятининг асосий ва устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилди. Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар прокуратуралари таркибида қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимлари ташкил этилди.

Бош прокурорнинг ушбу соҳада прокурор назоратини кучайтириш ҳақидаги буйруғида ҳам қишлоқ хўжалигидаислоҳотларни чуқурлаштириш ва бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган қонунлар, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижроси устидан назоратни амалга ошириш қайд этилган. Бунда асосий эътибор ер, сув ресурслари, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ҳамда қишлоқ хўжалигида техникаларидан фойдаланиш борасида, шунингдек ҳосилни етиштириш, йиғиб-териб олишда ва қайта ишлашда йўл қўйилаётган қонунбузарликларнинг ўз вақтида олдини олишга қаратилган назорат тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Маълумки, ўтган йили турли сабаблар, жумладан шу соҳада йўл қўйилган хато-камчиликлар натижасида аксарият вилоятларда пахта етиштириш ва давлатга сотиш режаси уддаланмади. Афсуски, жорий йилда ҳам ўша салбий ҳолатлар такрорланмоқда. Хусусан, Фарғона вилоятида хўжалик экинлари экиладиган майдонларда ўтказилган мониторинг давомида Ўзбекистон, Риштон, Олтиариқ, Ёзёвон, Бувайда, Боғдод туманларида жами бўлиб 108,9 гектар бошоқли дон ва пахта экиладиган майдонларга хўжаликлар томонидан ўзбошимчалик билан сабзавот, полиз экинлари ва боғ барпо этилганлиги аниқланди.

Ишнинг бу даражага етишигача кўз юмиб турган ё кўриб кўрмасликка олганлар эса энди қонун олдида жавоб беришлари аниқ.

Фермер ва деҳқон хўжаликларига ер ажратилишининг қонунийлиги ўрганилганда эса 29 нафар туман ҳокими, унинг ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари ўзлари ва яқин қариндошларига, 17 нафар ИИБ бошлиғи ва уларнинг ўринбосарлари ҳамда 3 нафар судья яқин қариндошларига фермер хўжаликлари ташкил этиб, ер майдонлари олиб берганлиги маълум бўлди.

Минерал ўғитларни қабул қилиш, сақлаш ва тарқатилишининг қонунийлиги юзасидан ўтказилган текширишда ҳам бу борада жиддий қонунбузарликлар борлиги маълум бўлди. Аниқланишича, аксарият ҳолларда ўғитлар талон-тарож қилинган. Хусусан, ***Бешариқ туманидаги Й.Мелибоев номли ширкат хўжалиги омборчиси Й.Сатторов Чирчиқ шаҳридаги кимё заводидан олинган 16800 кг. минерал ўғитларни хўжалик омборига кирим қилмасдан, фуқаро А.Мамажоновга 1 млн. 170 минг сўмга сотиб юборган. Мазкур ҳолат юзасидан Й.Сатторовга нисбатан жиноят иши кўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилиб, айблов хулосаси билан судга юборилган.***

Биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишларда (2004 йил 10 майгача бўлган маълумотлар) ***республика бўйича 1066 тоннадан ортиқ минерал ўғитлар, 236 тоннадан ортиқ нефт маҳсулотлари, 14 тоннадан зиёд плёнка, 196 млн. сўмлик 99 дона қишлоқ хўжалиги техникалари, 2727 гектардан ортиқ ер майдони ҳамда 6450 туёқ чорва моли талон-тарож қилинганлиги ва бошқа суиистеъмолчиликлар натижасида қарийб 2 млрд. сўмлик моддий зарар етказилганлиги аниқланди.***

Моддий жавобгар шахсларни тўғри танламаслик, таниш-билишчилик ва ошна-оғайнигарчилик каби салбий иллатлар натижасида жамоат мулклари қўли эгри шахсларга топшириб қўйилган. Натижада эса...

Жиззах вилоятининг «Дўстлик» филиали омбор мудири М.Пирманов 50 тонна, «Галлаорол» филиали омбор мудири Ф.Рустамов 45 тонна минерал ўғитларни талон-тарож қилганлар. Сирдарё вилояти Янгиер минерал ўғитлар базасининг Ф.Хўжаев шахобчаси мудири Ш.Сулаймонов эса 55 тонна минерал ўғитни шахсий манфаати учун сотиб юборган.

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан минерал ўғитларни республикадан ташқарига ноқонуний олиб чиқиб кетиш ҳоллари давом этмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра, жами бўлиб 240 тонна минерал ўғитнинг четга олиб чиқиб кетилаётганлиги аниқланган. Жумладан, жиззахлик А.Раҳимов «КамАЗ» русумли автомашинасида 14 тонна минерал ўғитни Тожикистонга олиб ўтмоқчи бўлганда ушланган.

Фарғона вилояти, Й. Охунбобоев туманидаги А.Алигавҳаров номли ширкат хўжалигининг омбор мудири Й.Мирзаев хўжаликка келтирилган 3155 кг., баҳоси 3 млн. 486 минг сўмлик полиэтилен плёнкаларни ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилиб юборган. Андижон вилояти бўйича эса шу йилнинг дастлабки чорагида жами 59 млн. сўмлик қишлоқ хўжалигига ишлатилиши лозим бўлган моддий қийматликлар турли йўллар билан талон-тарож қилинган.

Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин.

Юқоридаги каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва жорий йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида кўзланган марраларни уддалаш юзасидан ҳукумат ташаббуси билан вилоят ва туманларда ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, уларнинг зиммаларига қатъий вазифалар юклатилган. Ушбу вазифаларни бажаришда прокурорлар ва жойлардаги ишчи гуруҳлари учта йўналишга алоҳида эътибор қаратмоқлари лозим. Яъни, ерлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарига белгиланган миқдордаги минерал ўғитлар ва нефт маҳсулотларининг ўз вақтида етказиб берилиши, уларни сақланиш ва мақсадли ишлатилиши масалаларидир. Қисқа қилиб айтганда, ҳар бир килограмм минерал ўғит мақсадли ва шартномаларда белгиланган экинлар экиладиган ерга тушиши, нефт маҳсулотларини талон-тарож қилишнинг олди олиниши шарт.

Ўйлайманки, жойлардаги ҳокимлар, прокурорлар ва бошқа масъул мансабдор раҳбарлар, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мутасадди ходимлари қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳукуматимиз томонидан олдимизга қўйилган вазифаларни бажариш учун астойдил бел боғлаб ишга киришадилар, жорий йил ҳосили режасининг бажарилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Эргаш МЕНГЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

ҲОКИМНИНГ УКАСИ ФЕРМЕР БЎЛМОҚЧИ ЭДИ

Фарғона вилоят «Қишлоқхўжалик-кимё» корхонаси Қува тумани бўлимининг моддий жавобгар шахслари 5 тонна минерал ўғитни, 53 килограмм кимёвий воситаларни ўзлаштириб юборишади. Кейин айбларини яшириш мақсадида қалбаки ҳужжат тузиб, гўёки улар хўжаликларга чиқим қилинганлигини қайд этадилар.
Кўриниб турибдики, вилоятда минерал ўғитлардан фойдаланишнинг аҳволи қониқарли эмас. Деҳқонни алдаш, талон-тарожликлар ҳамон ҳукм сурмоқда.

Энди Президентимизнинг 2004 йил 11 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармоннинг аҳамияти ҳақида тўхталсак. Ўзи шундоғам текширувчилар етарли бўлиб турган бир пайтда, деҳқон-фермер хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатувчи тизимлар фаолиятига прокуратура органларининг аралашуви янада кучаяркан-да, деб бир томонлама ўйловчилар ҳам бор, албатта. Бир сўз билан айтганда, мақсад қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш ва қишлоқ мулкдорларини ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтиришдан иборат. Фармонда прокуратура органлари ходимларининг вазифалари аниқ-тиниқ кўрсатиб берилган. Гап эл-юрт тўқлиги, келажаги ҳақида кетяпти, шунга қайғурилаяпти. Ушбу фармон туфайли Президентимизнинг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги, 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган «Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида»ги Низом ва бошқа қонун ҳужжатларини амалиётда қўллаш самарадорлиги янада ошади.

Асосий Қонунимизда ер дахлсизлиги, у давлат мулки, умуммиллий бойлигимиз эканлиги белгилаб қўйилган. Ер — ризқ-рўз манбаи, Ватанимиз асоси. Унинг ҳар қаричини асраб-авайлаб, самарали фойдаланган ҳолда авлодларимизга етказишимиз лозим. Аҳолига томорқа ерларининг кенг кўламда берилиши халқ фаровонлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бўлиб қолди.

Экин экиладиган майдонлар мониторинги ўтказиш жараёнида аниқланган ноқонуний ишларга аниқ мисолни вилоят ер ресурслари хизмати бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган текшириш якунларидан келтириш мумкин. 6 та туманда 108,9 га. бошоқли дон ва пахта экиладиган майдонларга хўжаликлар томонидан ўзбошимчалик билан режалаштирилмаган экинлар экилган. Ноқонуний экинлар экилган ва мақсадсиз фойланилаётган 253,53 га. ер қайтарилди, белгиланган майдонларга тасодифан кириб қолган, кўпроқ ўз манфаатини кўзлайдиган инсофсизлар ҳам йўқ эмас. Й.Охунбобоев туманидаги «Тонг юлдузи» фермер хўжалиги раҳбари Э.Турсунов ҳам ана шундайлар хилидан экан. У ер сотиш билан шуғулланиб келган. Унга на ҳокимлик, на фермерлар уюшмасидагилар миқ этишган. Т.Бобоев номли ширкат хўжалигининг мансабдор шахслари эса пахта экиб келинган 4,4 га. ерни ноқонуний равишда одамларга бўлиб берганлар. Бу талон-тарожлик хўжалик катта миқдорда зарар кўрган.

«Ўзбекистон» туманидаги С.Азизов номли ширкат хўжалиги негизида фермер хўжаликлари ташкил этишнинг қонунийлиги текширилганда ҳам қатор қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Комиссия раисининг ўринбосари Ҳ.Қосимов туман ҳокимининг 2004 йил 11 январ кунги 10-сонли қарори иловасидаги 40 нафар шахси 49 нафар қилиб «таҳрир» қилган. Унинг шу ноқонуний хатти-ҳаракати билан ер олиб фермер бўладиганлар сони 9 нафарга ортган. Нима эвазига бундай қалбакичиликка йўл қўйганлиги сабабларини шу кунларда комиссия раиси ўринбосари суриштирувчиларга тушунтириб беряпти.

Умуман олганда, фермер ва деҳқон хўжаликларига ер ажратилишининг қонунийлиги таҳлил қилинганда қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик асосида ташкил бўлган фермерлар сони анчагина катта рақамларни ташкил этди.

Қува туманидаги Й.Охунбобоев номли ширкат хўжалиги вакиллар йиғилишининг 2003 йил 10 декабр кунги 6-сонли «Фуқаро Ҳасанжон Холбековга боғдорчилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги юритиш учун хўжаликнинг 8-контуридан 5 га. ер майдони ажратиш тўғрисида»ги қарори ҳамда ер участкалари бериш бўйича туман комиссияси хулосасига кўра туман ҳокими ҳам 2004 йил 10 январда 13-қарорини чиқарган. Х.Холбековга ер ажратиб берилди ҳам. Кейин бу ишнинг миси чиқди. Янги фермер туман ҳокимининг туғишган укаси экан. Бу ёқда эса фермер бўлолмай юрган оддий одамлар қанча! Бу ҳол ҳокимни қизиқтирмаган. «Битта укамни фермер қилмасам қанақа ҳокимман», деб қалтарок ўйлаган кўринади. Туман прокурори киритган протест асосида ҳокимнинг ўз укасини фермер қилиш ҳақидаги қарори бекор бўлди.

Шартнома мажбуриятларини бажариш, сув ресурсларидан фойдаланиш, кредит, иш ҳақи, таъминот ва сервиз хизмати кўрсатиш борасида ҳам талай қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Мақсадимиз эса, юқорида айтилганидек, қишлоқ хўжалиги соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар равнақини таъминлаш, аграр соҳада қонун устуворлигини ўрнатишдир.

Т.ҲАСАНОВ,
Фарғона вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи

DETEKTIV QISSA

МУҲАҲИШ ХОТИРАЛАР

Тўйчибой ҲАЙТАЛИЕВ,
Гулнора ҲАМРОЕВА

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).

Хуллас, Маликанинг оти бузуққа чиқиши учун узоғи билан уч ой кифоя қилди. Мактабда синфдошларининг муносабати ҳам ўзгариб қолди. Унинг синфдош дугоналари йўқ ҳисоби эди. Чунки синфдаги қизларнинг аксарияти ўзига тўқ хонадонлардан бўлиб, ҳамиша юпун, одми кийиниб юрадиган Маликага беписанд муносабатда бўлишарди. Ўғай отаси билан боғлиқ гап-сўзлардан сўнг у билан умуман гаплашмай қўйишди. Синфнинг безориси деб ном чиқарган икки-уч йигитча унга худди суюқоёқ аёлга қарагандек қарашарди. Муаллимлар орасида ҳам унинг юрагидаги дарди билан қизиқадиган меҳрибон топилмади. Синф раҳбари-ку уни очиқдан очиқ турткилашга ўтди. Шундан сўнг Малика мактабга бормай қўйди.

Оқшомлари она-бола қисматларининг аччиқлигидан, одамларнинг бемеҳрлигидан, кўни-қўшниларнинг лоқайдлигидан диллари вайрон бўлиб, кўз ёш қилишар, лекин барибир ёруғ кунлар келишига умид қилиб тонг оттиришарди.

Аммо ҳақиқий фожеалар энди бошланаётган эди. Ўғай отанинг тиригида эсламаган, кўчаларда ичиб юмалаб юрган кунларида, шу оилага келиб кўним топган пайтларида йўқламаган, ўлганида ҳам номига икки-уч кун мотам тутган опаси билан синглиси даъвогар чиқиб қолди. Улар биргалашиб Маликани қотилликда айблаб, судга ариза ёзишди. Текшир-текшир бошланди, лекин миш-мишлар далил-исбот ўрнига ўтмади. Аммо она-боланинг, айниқса Маликанинг асаблари тамом бўлди. Улар эса тинчишмади. Энди дам-бадам келиб, жанжал қиладиган бўлишди.

* * *

Ошхонада овқатга уннаётган Малика дарвозахона томондан эшитилган шовқинга қулоқ тутди. Сўнг ғазаб билан кўлидаги пичоқ дастасини чангаллади.

— Вой жигарим!.. Вой гулдек сўлиган акам! — дея ювулларди бесўнақай семириб кетган пакана хотин — ўғай отасининг синглиси. — Акагинамнинг бошига етганларга жазо борми?

Малика қўлидаги пичоқ билан бу шаллақининг қўлансa қорнини ёриб ташлаш истагидан ўзини базўр тийиб, ҳовлига чиқди...

Дарвозахонада аяси гарангсиб турар, ўғай отанинг опаси билан синглиси бири қўйиб, бири шаддодлик қилар, дод-фарёд кўтарарди. Беш-олти кўни-қўшни эса томошабин. Ҳеч ким аралашай демайди.

— Сизларга нима керак? — деди аяси кўзлари жовдираб. — Биздан нима истайсиз ўзи?

— Нима истаймиз? — дея шанғиллади ўғай отанинг қорачадан келган опаси қўлларини белига тираб. — Сен манжалақи укамнинг бошига етиб, яна ҳеч нима билмагандек, сизларга нима керак дейсан-а. Уйни бўшат! Бу уйни уй қилгунча укагинам адо бўлган. Сенлар уйга эгалик қилиш учун уни атайлаб ўлдиргансанлар.

Малика турган ерида қотиб қолди. Аяси ҳам тутила-тутила деди:

— Нималар деяпсиз? Бу уйни укангизга нима алоқаси бор? Ахир уйни раҳматли биринчи эрим сотиб олган. Бунинг устига уй менинг номимда.

— Бекорларни айтибсан, — дея шанғиллади ўғай отанинг синглиси. — Акам шўрликнинг меҳнати сингган.

— Йўғ-е, — деди аяси истеҳзо билан, — укангиз шу ҳовлида беш йил яшаган бўлса, бир чўпни у ердан бу ерга олиб қўйгани йўқ. Топганини ичарди.

Бу гапга жавобан нима дейишни билмай қолган хотин ўзига нафрат билан тикилиб турган Маликага тармашиб кетди.

— Сен нега безраясан, мегажин. Акамнинг қўйнига илондек кириб, бошини единг! Ўзингга ўйнаш керак бўлса, аянгга кундош бўласанми?

Маликанинг назарида осмон гумбурлаб икки бўлиниб кетди. Қулоқлари шанғиллаб, кўз олди қоронғулашди. Қандайдир куч уни турган жойидан кўтариб юборди. Қиз ҳушбехуш бир алпозда деворга суяғлиқ турган паншахани олдида, хотиннинг бошига тушириб қолди. Хотин жон аччиғида чинқириб юборди. Қутириб кетган Малика атрофдагиларнинг бақир-чақирига ҳам эътибор бермай паншаха билан хотинни аямай ура кетди...

* * *

Малика қамалди. Бу кўргуликка дош беролмаган аясининг вафот этганини ҳам ўша ёқда эшитди. Укасини тоғаси олиб кетганини эшитиб кўнгли таскин топди. Лекин унинг ортидан сўраб келувчи бирор-бир қариндош-уруғи, дўст-ёри топилмади. Бу ерда эса ўзи каби қисматдош аёллар, жумладан Диля билан ҳам танишиб олди.

Диля шаддод, шартаки аёл эди. У ҳам биттаси билан жанжаллашиб қолиб, қорнига пичоқ суқиб олганди. Маликанинг ўзига ўхшаб қамалганини эшитгач, негадир уни ўзига яқин ола бошлади. Бора-бора дугона бўлиб қолишди. Вақти-вақти билан Диляни укаси ва яна бир эркак йўқлаб келарди. Олиб келинган егуликларни биринчи бўлиб Маликага илинарди.

— Биласанми сенинг фожеанг нимада? — деб қолди бир кун у. — ҳаддан ташқари тортинчоқсан. Худбин эмассан. Ҳамма ўзини яхши одам, деб ҳисоблайди. Лекин бировнинг дарди билан иши бўлмайди. Бўлмаса маҳалладошларинг сенга бузуқи деб ном қўйишдан олдин бир марта бўлса ҳам дардингни сўрашарди. Шунинг учун анави шаллақини уриб, дабдала қилганинг учун ўзингни айблайверма.

— Энди айбламайман, — деди Малика нафрат билан. — Елкамни қисиб шу ергача келдим. Гапинг рост. Агар одамлар меҳр-оқибатли бўлганда, ўғай отам мени зўрламаган, опаси билан синглиси аямга ва биз етимларга тегишли уйга кўз тикмаган бўларди. Аям ўлгандан сўнг ўғай отамнинг синглиси уйга эгалик қилганмиш. Энди ўзинг ўйлаб кўр, у-ку худодан қўрқмай етимларнинг ҳақиқа кўз тикибди, маҳалла катталари нима қилиб ўтирибди?..

— Қамоқдан чиқсанг, қаерда яшамоқчисан?

— Билмадим. Раҳматли дадам билан аямнинг қариндошлари ҳам мендан юз ўгиришган. Уларга ҳам мени роса ёмонлашган шекилли. Уйимизни қайтариб олишим учун адвокат ёллашим, судга чопа-чоп қилишим керак. Бунинг учун эса пул зарур. Пулим, касб-корим йўқ, ишонадиган, суянадиган кишим йўқ. Фақат битта йўл бор. Бу ердан чиқаман-у, тўғри уйимизга бораман. Ўт қўяман!..

— Уйга ўт қўйсанг яна қамаласан.

— Нима қилай бўлмаса?

— Менга қара, хоҳласанг бу ердан чиқиб тўғри меникига боравер. Муддатим тугашига бир ой қолди. Сен ҳам олти ойдан кейин чиқасан. Агар айтганимни қилсанг, ялло қилиб яшайсан, ўчингни ҳам оласан.

— Яхши, айтган гапингдан чиқмайман. Фақат ўша маразлардан ўч олсам бўлгани.

* * *

Малика тиконли симлар билан ўралган деворга орқа ўгириб тураркан, чуқур нафас олди. Кўнглининг аллақайси бурчагида эндиги ҳаёти бошқача бўлиши, қачонлардир яна шу тиконли симлар ортига тушиб қолиш эҳтимоли йўқ эмаслиги тўғрисидаги ўй, ҳадик ботбот гимирлаб ҳозирги хушнуд кайфиятига соя солиб турарди. Лекин бу ҳақида ортиқ ўйлагиси келмай, Диля берган манзилни излаб йўлга тушди.

Дугонаси унихурсанд кутиб олди. Уч хонали уйда бир ўзи яшар экан. Бу Малика учун айни муддао бўлди.

— «Курорт»далигимда укам қараб турганди, — дея изоҳ берди Диля. — «Крутой» йигитлардан. Ҳали таништириб қўяман. Сени кўриб жинни бўлиб қолади. Бунинг учун аввал сенга ишлов бериш керак.

Малика маҳзун жилмайиб қўйди.

— Хўш, — деди Диля, — манави исқирт кийимларингни ташлаб юборамиз. Ваннага кир.

Малика умрида биринчи марта ваннахонада ювиниши эди. У иссиқ душда ҳузур қилиб ювина бошлади. Ниҳоят Малика ипак халатга ўралиб, меҳмонхонага кириб борганда Диля уни танимай қолди.

— Ўзингмисан? Бунчалик чиройли бўлиб кетасан деб ўйламаган эдим. Қорнинг ҳам оғгандир. Овқатланиб олайлик кейин бафуржа гаплашамиз.

Малика безатилган дастурхонга қараб ютиниб қўйди. Катта вазада сархил мевалар, турли хил шарбатлар, бир шиша коньяк, колбаса, қазилар. Бунақа дастурхон ёнида ўтирганини эслай олмайди. Диля чинни лаганда қозон кабоб олиб келди. Коньякни очиб, қадаҳларга қуйди.

— Қани ол, ғурбатларимиз орқада қолгани рост бўлсин.

Умрида спиртли ичимлик ичмаган Малика бир зум ўйланиб турди-да, кўзини чирт юмиб қадаҳни кўтарди.

— Яша, — хитоб қилди Диля. — Тузуксан. — Сўнг шиша оғзини беркитди. — Бошқа ичмаймиз, сен яхшилаб овқатланиб ол.

Малика қозон кабобни умрида биринчи кўриши эди. Мазза қилиб еди. Айниқса, коньяк иштаҳасини очиб юборганди.

Овқатдан сўнг чой ичиб ўтиришар экан, Диля муддаога ўтди:

— Гап бундай жоним, сенга битта ҳомий керак. Ўзинг биласан, дангал гапни ёқтираман. Сенинг ҳаётинг синиб, тамом бўлган.

— Ҳа, фақат битта истагим бор.

— Биламан. Ғанимларингдан ўч олмоқчисан.

— Биттасини у дунёга жўнатганман. Унинг синглиси уйимизга эга чиқиб, бойвачча ўғлига бериб қўйибди.

— Биламан Малика. Анови хотиннинг ўғли қаерда ишлайди, дединг?

— Пахта заводида.

— Зўр-ку. Қасос оласанми?

— Ҳа. Яна биттаси бор маҳалламизда. Оти Мастонбуви. Иккита қизи суюқоёқ. Миш-мишларга кўра пул бўлса исталган мақомга юрар экан. Мени фоҳишага чиқарган эди. Ундан ҳам қасос олишим керак.

— Яхши. Кўп сиқилаверма. Ҳаммасини боплаймиз. Фақат сабр қил. Аввал бирор ўн кун дам ол. Ейишичишингдан ғам ема. Боя айтдим, укам бор, «крутой». Унга ёқишинг аниқ. Сенам уни ёқтириб қоласан. Хуллас вақтни бекор ўтказма. Е, ич, маишат қил. Сен ҳам, мен ҳам ҳали ёшмиз. Аёл учун бақувват эркакнинг қучоғида тўлғонишдан ортиқ лаззат йўқ, билсанг. Кеч бўлсин, укам келади. Икковингни ёлғиз ташлаб кетаман...

* * *

Диля билиб айтган экан, Алик бир кўришда Маликага шайдо бўлиб қолди. Йигитдан қизнинг ҳам кўнгли тўлди. Фақат кўзларида аллақандай совуқлик шуъ ҳаланиб турарди.

Диля эрталаб келишини айтиб, чиқиб кетди.

Малика аввалига тортиниб турди. Бора-бора шароб таъсирида ўзини эркин тута бошлади. Йигит ҳам ҳазил-ҳузул билан уни қучоғига тортганди, эриб кетди...

Маишатга тўлиқ кунлар ўтган сайин Малика очилиб борарди. У беҳад бахтиёр эди. Айниқса, Диядан чексиз миннатдор эди.

Алик ҳар оқшом келар, Маликага тилла тақинчоқлар, қимматбаҳо либослар совға қиларди. Кундузи Диля билан шаҳар айланишар ёки соатлаб лақиллашиб ўтиришарди.

Бир куни Алик Маликани бағрига босиб ётаркан, унинг сочларини силаб деди:

— Бугун бир ерга борамиз.

— Қаерга?

— Кейин биласан. Фақат нима бўлса ҳам ўзингни қўлга олиб ўтирасан, тушундингми?

Малика бошини қимирлатиб қўйди.

Нонуштадан сўнг Алик унга кийинишни буюрди. Диля ҳам келиб қолди.

— Яхшилаб пардоз қил. Қора кўзойнак тақиб ол.

Малика кийиниб бўлгач, ундан сўради:

— Ўғай отангнинг синглиси сени шу кўринишингда кўрса ҳечам танимаса керак.

Малика кўзгуга қараб, ўйчан қиёфада деди:

— У пайтларда мен исқирт қиз эдим. Қоларверса у укаси билан борди-келди қилмасди. Мени ҳам фақат бир-икки кўрган, холос.

— Демак танимайди. Гап бундай, — деди Алик кўзойнак тақаркан, — ҳозир собиқ уйингга борамиз. Кетдик.

* * *

Алик эътиборни тортмаслик учун эскигина, лекин мотори бақувват «Жигули»да юрарди. Улар Малика яшаган маҳаллага кириб боришганда одамларнинг ишга кетар пайти бўлиб қолганди.

Машинанинг орқа ўриндиғида ўтирган Маликанинг юраги орзиқиб кетди. Гарчи шодмон кунларидан ғамли кунлар кўпроқ бўлса-да, болалиги ўтган кўчага бурилишганда кўзларидан ёш тирқиради. У ўзини қўлга олиб, рўмолчаси билан кўз ёшларини артди. Кўзойнагини тўғирлаб қўйди. Мана ўзи улғайган ҳовли, фақат уларнинг уйи ўрнида ҳашаматли бино қад кўтарибди. Ҳар қандай юк машинаси бемалол кирса бўладиган маҳобатли дарвоза олдида сутдек оппоқ «Нексия» яраклаб турарди.

Алик машина тезлигини пасайтириб, гўёки мотор бузилгандек қилиб тўхтатди ва капотни кўтариб ўзича тимирскилана бошлади.

Орадан беш дақиқа ўтди, лекин Маликанинг назарида бу ерда тўхтаб турганларига бир неча соат бўлгандек туюлди. Алик эшикни очиб, латтани олган бўлди-да, Маликага деди:

— Анави бойваччанинг афт-ангорини яхшилаб эслаб қолгин.

Алик яна мотор устига энгашди. Дарвозанинг кичик эшиги очилиб, қимматбаҳо костюм-шим кийган, ўттиз ёшлардаги йигит чиқди. У эски «Жигули» моторини титкилаётган Аликка беписанд назар ташлаб қўйди. Сўнг чўнтагидан сигарет чиқариб, шошилмай тутатди. Малика унинг ҳалитдан қорин сола бошлаган, бетини чертса мой томгудек, оғзини сал очса тилла тишлари ярқираб турадиган қиёфасини хотирасига муҳрлашга ҳаракат қилди.

Эшик яна очилиб ўғай отасининг синглиси чиқди. Маликанинг вужуди алам ва нафратдан қизиша бошлади. Ортиқча шубҳа туғдирмаслик учун сумкачасидан ниманидир олмоқчи бўгандек бошини эгди. Калондиқлиқда ўғлидан қолишмайдиган хотин ҳам булар томонга беписанд назар ташлаб деди:

— Ахмаджон, бугун вақтлироқ қайтгин, тоғангникига чарларга борамиз.

Маликанинг дилидаги қасос алангаси баттар гуркирай бошлади.

* * *

Тушлик пайти Диля ёши қирқдан ошган, кўринишдан оғирвазмин бир одамни бошлаб келди. Эрталабки «сайр»дан сўнг Алик ҳам уйда қолганди.

Дастурхон безалди. Аёллар коньяк ичишди, эркаклар ароқни маъқул кўришди. Биринчи қадаҳ олдидан Диля Маликани меҳмонга таништирди:

— Ўткир ака, сизга айтган синглим шу бўлади.

— Яхши, лекин тажрибаси йўқ экан.

— Ўрганади, — деди Диля Маликанинг елкасидан кучиб, — Муҳими, ишонса бўлади.

— Ўзинг биласан. Сенга ишонаман, — сўнг Аликка юзланиб деди. — Хўш, нима гап?

— Битта «лаққа балиқ»нинг изидан тушдик. Қисқаси, у Маликанинг ашаддий душманининг ўғли экан.

— Биламан, Диля ҳаммасини айтиб берди.

— Пахта заводида ишлар экан.

— Демак ҳам Маликанинг ўчини оламиз, ҳам... — Ўткир унга қараб қулимсираб қўйди. — Хўш ўзинг нима дейсан?

— Мен тайёр, — деди Малика тишларини ғижирлатиб.

— Унда режамиз бундай, — деди Ўткир.

(Давоми келгуси сонда).

NUQTAI NAZAR

АСАББУЗАР РЕКЛАМАЛАР

Ишдан уйга ҳориб қайтгач, беихтиёр телевизорни қўясиз. Тузукроқ кўрсатув бўлса қаршисида чўқасиз, йўқса кечки овқатни «Елғон асираси»ни кўриб ейишдан ўзга чорангиз йўқ. Кўрсатувларнинг «мазаси» тобора кетиб бораётгани сайин орага «ошга тушган пашшадай» суқулган рекламалар шусиз ҳам таранглашиб бораётган асабингизни баттар емиради.

Вой, уларнинг кўплигини-чи! Эрта-ю кеч экрандан ютуқ чиқмайдиган лотереячиларнинг тиржайган башараси тушмайди. Афтидан, лотерея ўйнаб чарчамаган, шунча пулни сувга оқизиб ҳам ҳафсаласи пир бўлмаган лақмаларнинг устидан кулиб чиқаётган бўлса керак. Икки йилдан бери таниқли диктор: «Ютуқ чиқса, мен ўзим уйингизга бориб машина калитини топшираман» дейди-ю, ҳалигача ҳеч «фалон юртдошимизникига бориб табриклаб келдим» деганини эшитмадик. Эҳтимол, бежизга «Ютуқ чиқса» сўзига урғу берилмагандир. Чунки ютуқ чиқишидан чиқмаслиги равшанроқ бўлгани боис бемалол ваъда берилаётган кўринади.

Ҳаммаси бирдан автомобиль ютуғини эълон қилиб, ўйин ўйналган куни минг одам машинали бўлгани билан табриклашади. Аслида эса минг кишига битта машина чиққан бўлади. Бу ёқда минг киши «Нексия» ютдим деб хурсанд! Битта машинанинг пулини шунча кишига бўлиб кўринг-чи, қанчадан тегаркин. Агар хоразмликми, бухороликми ютган бўлса, бу улуш Тошкентга келиб-кетиш пулини ҳам қоплама-са керак. Кўпчиликнинг текин машинага эга бўлишдан ҳафсаласи пир бўлганлигини ташкилотчилар сезишди шекилли, энди миллионларни ваъда қилишга ўтишди. Миллионер бўлишни лотерея ўйновчилардан кўра, ташкилотчилар истаётганга ўхшайди.

Ҳа, халқимизни содда деб тўғри айтишади. Эркакларимиз тушларида кўрган машинаси билан овора. Аёлларимизнинг эса боши қотган: қайси порошок билан кир ювган яхши? Бир қарасангиз, ёзу қиш дорда туравериб, оқариб қолган кийимларни кўрсатиб, «Ариел безупречно чисто» деб туришса, сал ўтмай уйида иши йўқлигидан волейбол ўйнаб кийимларини кирқилган хотинлар «Тайд вито вайд»ни мақташади. Уйга бориб «Тайд»га кир ювишади-да, энди! Барча рекламаларда «обычный порошок»дан кўра бизники афзал дейишади-ю, битта кўйлак ёқасини 10 та порошок ишлатиб ҳам тозалай олмайсиз.

Шампунларни айтмайсизми?! Экрандаги қизларни кўриб, ўша шампунда бош ювгингиз келиб қолади. Кўзингиз қийиб-қиймай фалон сўмга оласиз ҳам. Натижа эса ўша-ўша: барибир нур сочмаётган сочингиздан қазғоқни қоқиб ўтираверасиз.

Рекламанинг яхши томони нимадалигини биласизми? Фарзандларингизга шеър ёдлатиб ўтирмайсиз, телевизорда қайта-қайта эшитавериб ўзлари ёдлаб олишади. Ҳозир рекламани шеърий усулда бериш мода бўлган-ку! Мана, масалан, Валижон Шамшиевнинг «байт»ини эсланг:

«Мухлис»ни ўқиган сари
«Заковат»да ечилар бари.

«Бир ўқ билан икки қўённи уриш» дегани бу. Битта «байт»да икки газета «реклама»си.

Ўзбекларни содда деймиз-у, ўрисларнинг «гамхўр»лигига ҳам тан бериш керак. Айниқса эркакларининг. Хотини диванда чўзилиб ётса, эри ишдан очиқиб келди. Оёғи оғриб ётган «бечора» хотин бақириб берди (бақиришидан ҳеч ҳам касалга ўхшамайди-я). Эр шўрлик очлигиниям унутиб кўчага югуриб қаёқдандир дори топиб хотинига ичирди шекилли, дикиллаб югуриб қолди. Менимча, эри аптекачи бўлса керак, нима қилишни дарров «фаҳмлади». Шу пайтда ўзимизнинг эркаклар бўлгандами, хотиннинг бу бақиришида вазият тамомила бошқача бўларди. Кўчага эр эмас, хотин югурарди.

Бозорга ўхшайди асли бу дунё,
Бозорга ўхшайди бунда ҳам маъни.
Иккиси ичра ҳам кўрмадим асло
Молим ёмон деган бирор кимсани.

Ҳар гал телевизорда кети узилмаётган рекламаларни кўрганимда Абдулла Ориповнинг шу тўртлиги миямда чарх ураверади...

Яқинда фармацевтика институтини тамомлаб шаҳар дорихоналаридан бирида ишлаётган дугонам билан гаплашиб қолгандим, суҳбат мавзуси дориларга тақалди.

— Қизлар, йигитлар дорихонамизга «Диане-35»ни сўраб келишаяпти, — деди у.

— Ҳа, телевизорда реклама қилишаётганига-да, — дейман.

— Ҳамма гап шунда-да! ТВда бу дорини ҳуснбузарга қарши деб таъкидлашаяпти. «Диане-35» эса ҳомиладорликдан асровчи концентралик сувидан деярли фарқ қилмайдиган минерал сувларни «хаётбахш» дея кўкка кўтаришади-ю, нархи чўнтак кўтармайдиган даражада эканлигини бир оғиз айтиб ҳам қўйишмайди-я! Бир елим идиш (баклашка) сув 250-600 сўм туради. Менимча, бу сувнинг эмас, «баклашка»нинг нархи-ёв!

«Флунол» дорисининг рекламасида эса янги «усул»ни кашф этишибди: «Молочница сизнинг ҳаётдан завқланишингизга йўл бермаяптими?». Бу жумлани ўрислар ҳам, ўзбеклар ҳам бирдек тушунсин дейишган шекилли.

Таъми деярли бир-биридан фарқ қилмайдиган печеньелар жуда кўпайиб кетди. Айни пайтда 20 дан ортиқ турдаги печеньелар реклама қилинаяпти. Яна бир-биридан «ажойиб» тарзда. Битта мисол: ресторанга ота-онаси билан келиб нима ейишни билмай турган болакайга (унга стул ҳам етмай қолган шекилли, тик турибди) официант қиз боланинг кўнглидагини топгандай «Печенье «Мираж» ейсанми?» дейди. Бу сўздан қиз ўзбекми-ўрисми, билолмайсан. Барча печеньеларнинг биргина фарқи таъмида эмас, нархида. ТВда реклама қилинган печенье бемаза бўлса ҳам фалон сўм туради. Бу рекламаларни кўриб машҳур Фармонбибининг бир гапи ёдимга тушади: «Одамларга ҳайронсан, хўрозқанд чет элники деса ётволиб ялайди-я». Чиндан ҳам шундай бўлиб қолди. Халқимиз сифатига қараб эмас, рекламада кўриб харид қилишга ўрганиб қолди.

Ахир, бу рекламаларни кўрмасангиз ҳам бўлмайди.

Айни «телесериал» бошланишига тиқиштириб ташлашган бўлса қочиб қайга борасиз?! Бошқа каналга бурасангиз, чиройли гул идишини ҳожатхона қоғозига ўраб ўтирган йигит ёки сочлари алвастиникидай ҳурпайиб кетган қизларнинг чиқиғидан ё энсангиз қотади ёки чўчиб кетасиз. Шундай бўлсада, чет элларда рекламаларнинг эфирдаги вақти чекланган. Бизда эса «меъёр» тушунчасини ТВдагилар унутиб қўйганга ўхшайди. Бир куни санасам қаторасига 25 та реклама берилди. 6-7-8 март ва «Наврўз» арафасида бу кўрсаткич 43-45 тагача чиқди. Вой-бу, шунча рекламани сабр билан кўраётганларга тўзим берсин-а дедим. Яна ҳаммаси молини мақтаб ўтказаётган савдогарни эслатиб туради-я!

Сохиба ҲАЙИТБОЕВА

SOG`LIG`IM BOYLIGIM

ХАВФЛИ ВИРУС

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖСТ) маълумотига кўра С гепатити вирусини юқтирганлар дунё аҳолисининг 3 фоизини (170 миллион киши) ташкил этади.

Сурункали инфекция. Бу ташҳис қонда РНК HCV сифати ёки миқдорини камида 6 ой давомида аниқлаш асосида қўйилади. Тадқиқотлардан маълумки, HCVни юқтирган кўпчилик кишиларда инфекциянинг сурункали шакли ривожланади. Циррозга олиб келувчи жигар фибрози ва жигар раки касаллигининг терминал босқичи сурункали HCV инфекциясининг энг жиддий оқибатларидан ҳисобланади. Ўткир инфекциядан сўнг жигар циррозининг ривожланиш тезлиги 55 фоизни ташкил этади. Шу билан бирга инфекция юқтирган кекса ёшдаги кишиларда, эркак жинсдагилар ва иммунитет танқислиги ҳолатида, масалан ВИЧ инфекциясида оғир асоратларнинг ривожланиш хавфи ўсиб боради. Шунингдек, В гепатити жигар касаллигининг зўрайиш хавфини оширади. 1999 йили АҚШда 4000 га яқин ўлим рўйхатга олинган. Бу жигар касаллигининг терминал босқичида (декомпенсирланган цирроз билан) беморларни даволайдиган ягона йўл — жигарни кўчириб ўтказишдаги HCV инфекцияси билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда АҚШда сурункали HCV инфекцияси энг кўп трансплантацияга сабаб бўлмоқда. Йигирма йиллар илгари инфекция юқтирган беморларда сурункали С гепатитининг кечиши ҳақидаги маълумотлар деярли йўқ эди. АҚШда жигар раки билан оғриганларнинг ҳар учтадан биттасида касаллик HCV инфекцияси юқиши натижасида келиб чиққан. Жигар раки кам ҳолларда цирроз ёки жигар фиброзисиз ривожланади.

Касаллик аломатсиз кечадиган ўткир инфекция: беморлар ўзларида инфекция борлиги ҳақида гумон қилмасликлари ва беихтиёр атрофдагилар учун инфекция манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Сурункали гепатитга ўтиш: инфекция юқтирганларнинг 60 фоиздан ортиғида ўткир фазалардан кейин вирус элиминацияси бўлмайди ва сурункали С гепатити ривожланади.

Жигар циррози ва ракининг ривожланиш хавфи: ХГС потенциал фатал касаллик ҳисобланади. Жигар шикастланишининг таъсири кўпинча симптомсиз кечади. Клиник кўриниши фақат жигар циррози ёки раки арафасида даволаш усули самара бермай қўйгандагина намоён бўлади.

HCV инфекциясининг жигардан ташқарида аниқланиши. Сурункали С гепатити билан оғриган беморларда жигардан ташқарида пайдо бўлувчи ревматоидсимон аломатлар кератоконьюктивит, темиратки, гломерулонефрит ва аралаш криоглобулинимия кабилар бўлиши мумкин. Криоглобулинлар HCV инфекцияси юққан ҳар уч бемордан бирининг қон зардобида аниқланади, бироқ касалликнинг клиник намоён бўлиши кам учрайди. Шунингдек сурункали С гепатити кечиккан тери корфереяси билан боғлиқ.

С гепатити вирусининг асосий тавсифи қандай?

HCV 6 генотип ва 50 дан ортиқ субтипдан иборат бўлган, Flavivindae оиласига кирувчи вирус ҳисобланади.

Генотипларнинг нуклиотид давомийлиги 30-50 фоиз диапазонда фарқланади. HCV мутацион қобилиятни ифодалашга эга, инфекция юқтирилганда фаол Т ҳужайрали иммунитет жавобнинг йўқлиги сурункали инфекциянинг юқори тезликда ҳосил бўлишига олиб келади. HCV клиник камчиликларни келтириб чиқаради, вакцина ҳамда самарали даволаш препаратларини яратишни мураккаблаштиради.

АҚШда 70-75 фоиз ҳолатда С гепатитини келтириб чиқарувчи 1HCV генотип учун ўтказилган терапия самараси пастлиги билан характерланади. HCV асосан гепатоцитларда реплицирланади, бироқ тўғри цитопатоген таъсирга эга бўлмаган ҳолда персистирланган инфекцияга олиб келади.

Сурункали инфекцияда РНК HCV даражаси 50 мингдан 5 миллионгача кузатилиши мумкин.

Эпидемиология. Миллий саломатлик ва озиқлантириш хизмати институти ўтказган тадқиқот натижаларига кўра 1988-1994 йилларда 3,9 млн. америкалик HCV инфекциясини юқтирган, шундан 2,7 млн. нафари инфекциянинг сурункали шаклига чалинган. 2015 йилга келиб сурункали HCV инфекциясини юқтирган кишилар сони 4 баробар кўпайиши кутилмоқда.

Қоидага кўра HCV наркотиклар қўлланганда, гемотрансвузия, аъзолар трансплантацияси, гетеро-сексуал шериклар сонининг кўплиги туфайли юқади. Шунингдек, чақалоққа инфекция хаста онадан зararланган қон орқали ўтади.

Соғайиш учун «Пегасис пегинтерферон альфа-2а» (40кд) препаратидан фойдаланинг.

Хусусияти:
- фойдаланишнинг оддийлиги.

Самараси:
- янги ножўя таъсири бўлмайди**.

Маслаҳатлашиш учун телефон:
(998-71) 136-37-84

Эълон

«Олой-нон» масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонага айлантирилаётганлиги сабабли «Олой-нон» масъулияти чекланган жамияти сифатида қайтадан ташкил этилишини маълум қилади.

Кредитор қарздорлик саволлари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

Тошкент шаҳри,
Юнусобод тумани, «Олой» бозори.
Телефон: 133-79-40.

«Олой-нон» МЧЖ маъмурияти

HUQUQ yuridik gazeta

Ta'sischilar: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi, Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari, «Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir: Abduxoliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati: Bahriddin VALIYEV, Azimjon ERGASHEV, Dilshod ISLOMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (mas'ul kotib), Lola SHOMURODOVA, Hasan INOYATOV, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66.
Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 668. 15751 nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Navbatchi: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Gazetaning ro'yxatdan o'tish tartibi: N 023. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 19.30. 2 3 4 5 6 7 8